

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Ҳайдаров Раҳматулло Эргашевич

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИГА
ҚЎШГАН ҲИССАСИ ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ
РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Ихтисослик : 5 А 141502 “Миллий ғоянинг фалсафий масалалари”

Миллий ғоянинг фалсафий масалалари магистри академик даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

Андижон - 2012

МУНДАРИЖА

Кириш 2-бет

I-БОБ. IX-XII АСРЛАРДА МОВОРУННАҲР ВА ХОРАЗМДА ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

1.1. IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда Сомонийлар ва Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар..... 9-бет

1.2. Ғазнавийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт 18-бет

1.3. IX-XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразм давлатларида илм-фан ва маънавий ҳаёт 35-бет

II-БОБ. IX-XII АСРЛАРДА ШАРҚДА ИЛМ-ФАН ВА УНИНГ МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

2.1. IX-XII асрларда Шарқда илм-фан : Хоразм Маъмун академияси ... 46-бет

2.2. Шарқ мутафаккирлари асарларида ижтимоий–сиёсий, диний таълимотларнинг маънавий, тарбиявий аҳамияти 58-бет

2.3. Ёшлар миллий маънавиятни шакллантиришда тарихий онг ва хотиранинг ўрни.68-бет

Хулоса75-бет

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати78-бет

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. XX аср иккинчи ярмига келиб инсоният илм-фан соҳасида улкан ютуқларни кўлга кирита бошлади. Бундай ютуқлардан бири фазога космик кеманинг учирилганлиги бўлди. Фан-техника шу даражада ривожландики, XXI асрга келиб эса инсоният ахборот омили ва ахборот тарқатишда мисли кўрилмаган натижаларга эришиб келмоқда. Глобал ахборот тармоғи деб ҳисобланаётган Интернет ўргимчак тўри сингари бутун дунё давлатларини қамраб олди. Бугун бирон бир мамлакат ёки инсон йўқки Интернетни эшитмаган, ундан ихоталанган ёки бир бора унга муносабат қилмаган.

Дарҳақиқат, ҳар қандай тараққиётнинг асосида ана шу тараққиётнинг ривожланиши учун маълум бир илм омил бўлиб хизмат қилади. Жумладан, жаҳон илм-фан тараққиётининг асосида ҳам қадимги Грек мактаби ва антик давр алломаларининг илмий ижодлари билан бир қаторда, Ўрта аср Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг изланишлари ва уларнинг қолдирган бой илмий мероси ётади. Бироқ Собиқ мустабит тузуми даврида Иттифиқ таркибига кирувчи мамлакатларга мутеларча паст назарда қараб келинганлиги, уларнинг тарихи сохталаштирилганлиги, шунингдек, илм-фаннинг айниқса, миллий маънавий ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Ижтимоий гуманитар фанларнинг ўқитилишида Совет ҳукуматининг манфаатидан келиб чиққан ҳолда дарслар ташкил этилиб, ўқитиб келинган. Бу эса халқимизнинг қарийб уч минг йиллик давлатчилик тарихини ўрганишга, улар қолдирган бой миллий кадрият ва урф-одатларни, илм-фанда кўлга киритилган ютуқларни ўрганишга имкон бермади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов илм-фан тараққиётига эътиборни қаратар экан, мамлакатимиз ҳали мустақилликни кўлга киритмаган давр 1989 йил 28 ноябрда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида илм-фан ривожига айниқса, гуманитар фанларни илғор марраларга олиб чиқишга эътиборни қаратган. Президентимиз ўз нутқида шундай дейди: "... биз тарихий халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимлар асосида одамлар онгини шакллантириш омиллари кучайтиришимиз зарур. Яширишга ҳожат йўқ, биз шубҳали шиорларга берилиб, маънавий маданиятимизни озиклантириб турган илдизларни қирқиб ташлашга ўнлаб йилларни сарфладик. Ҳозир бунинг оқибатларини сезиб турибмиз. Маданият манбаларига қайтиш ғоят қийин кечмоқда, одамларнинг бу жараёнга муносабати ўткир бўлмоқда.

Республикада турли миллатга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда кўзга ташланаётган муайян кескинлик сабаби, бизнингча, миллатлараро

муносабатларнинг маънавий-ахлоқий таъминланиш даражаси етарли даражада юқори эмаслигидадир...»¹

Бундан кўринадики, қарийб 130 йил давом этган мустахлақчилик истибдоди даврида Республикамизнинг бой қадрияти, тарихий маънавиятини йўқ қилишга уриниб келинди. Бу эса ўз навбатида жаҳон илм-фан ривожига улкан хисса қўшган Ўрта аср Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг бой илмий меросидан халқимиз эмас, аксинча бошқа халқлар фойдаланишига замин бўлди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданок ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришга эътиборни қаратди. Ўз навбатида бу борада кўплаб ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ушбу ислохотларни амалга оширишда аввало миллий урф-одатларга, маънавий қадриятларга ва бой давлатчилик тарихимизга, айниқса жаҳон тан олган мутафаккирлармиз илмий меросига таянган ҳолда иш олиб борилди.

Бугун ёшларни оммавий маданиятнинг инсон онгини чалғитувчи халқимиз менталитетига мутлақо ёт бўлган ғоя ва мафқуралар таъсирига тушиб қолишлигидан сақлашда, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, юксак маънавиятли баркамол авлодни шакллантиришда Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий, илмий-фалсафий меросларини кўпроқ ўрганишимиз зарур.

Умуман олганда мавзунинг долзарблиги шундаки, ёт ғоя ва мафқураларнинг миллий маънавиятга таъсирини олдини олишда, миллий маънавиятимизнинг янада ривожлантиришда Шарқ мутафаккирларининг илмий меросини ўрганиш орқали миллий маънавиятимизни ўрганишдаги муаммоларни ўрганишни, уларнинг ечимини топишниб кучли жамият қуришга доир хулосалар, таклифлар ва тафсилотларни шакллантиришда энг муҳим ҳеч кимдан кам бўлмаган зуко ақлан етук жисмонан бақувват авлодни ривожлантиришда долзарб вазифа сифатида белгилаб бердию Б у борада Президентимиз И. Каримовнинг «Юксак маънавият - енгилмас куч»² асарида ҳам баркамол шахс тарбиясида маънавиятнинг бой тарихий мероснинг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга келиб Шарқ мутафаккирларининг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси ва уларнинг миллий маънавиятимиз ривожигаги ўрни мавзусини ўрганишга доир назарияларни ривожлантиришга ҳисса қўшган машҳур олимлар ва мутафаккирлар олиб борган илмий тадқиқот ишларини ўрганишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин.

¹ Каримов И. А. «Ўзбекистон мустақилликка этишиш остонасида». –Т.: «Ўзбекистон» 2011 йил, 90-бет.

² Каримов Ислон. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Иккинчи китоб. –Т.: «Маънавият» 2010.

Биринчи гуруҳга IX-XII асрларда Шарқ уйғонниш даври олимларининг яратган бой илмий меросларида акс этган. Шарқ алломаларидан Абу Наср Фаробий³, Абу Али ибн Сино⁴, Низомулмулк⁵, Абу Мансур ас-Саолибий⁶, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий⁷, Абу Райхон Беруний⁸, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий⁹ сингари кўплаб Шарқ мутафаккирларининг илм-фан тараққиёти йўлида олиб борган изланишларининг аҳамияти жуда катта бўлиб кейинчилик Ғарбий Европа илим-фани ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи гуруҳга Чор Россия ва Совет даврида яратилган адабиётларни киритиш мумкин. Бу даврда Н.А. Ерофеев¹⁰, В.В. Бартольд¹¹, С.П. Толстов¹², А. Қаюмов¹³ сингари Европадан келган Рус шарқшунос олимларининг асарларида ва Совет даврида яратилган адабиётларни кўриш мумкин.

Учинчи гуруҳ адабиётларига эса Мустақиллик даврида олимлар томонидан Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг илм-фан, жамият, фалсафа, адабиёт каби кўлғезмалари асосида яратилган адабиётларни ва даврий матбуот ҳамда илмий журналларда эълон қилинган мақолаларни киритишимиз мумкин. Жумладан, Қирғизбоев М.¹⁴, Шамсуддинов Р.¹⁵, Каримов Ш., Азамат Зиё¹⁶, Абдуллаев И.¹⁷ сингари олимлар томонидан кўплаб адабиётлар ёзилган бўлиб, бундан ташқари даврий матбуот газета ва журналларда ҳам мақолалар эълон қилинган Соатов А.¹⁸, Содиқов К.¹⁹, Каримов К.²⁰, Уватов У.²¹, Султонмурод Олим²², Ориф Усмон²³, сингари олимларимизни таъкидлаш жоиз.

Тадқиқотнинг мақсади. Ишнинг мақсади – Шарқ мутафаккирларининг IX-XII асрларда илм-фан тараққиётига кўшган ҳиссаси ҳамда улар томонидан яратилган илмий асарларни миллий маънавиятимиз ривожига таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш. Ёш

³ Абу Наср Фаробий. “Фозил одамлар шаҳри”. –Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси” нашриёти 1993.

⁴ Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари”. Т 2 -Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти” 1994.

⁵ Низомулмулк “Сиёсатнома” –Т.: “Янги аср авлоди” 2010.

⁶ Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. –Т.: “Ўзбекистон” 1992.

⁷ Ҳамидов Ҳ. “Олис-якин юлдузлар”. –Т.: “Ўзбекистон” 1990.

⁸ Қаюмов А. Абу Райхон Беруний. Абу Али ибн Сино. –Т.: “Ёш гвардия” 1987.

⁹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис, 1-жилд. Ал-Жоми ас-саҳих. –Т.: 1991.

¹⁰ Ерофеев Н.А. “Что такое история”. М.: 1976.

¹¹ Бартольд В.В. Сочинения Т.1, М.: 1963.

¹² Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб –Т.: “Фан” 1964.

¹³ Қаюмов А. Абу Райхон Беруний. Абу Али Ибн Сино –Т.: 1987.

¹⁴ Қирғизбоев М. “Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиш ва ривожланиш”. –Т.: “Ўзбекистон” 2010.

¹⁵ Шамсуддинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Биринчи китоб –Т.: “Шарқ” 2010.

¹⁶ Азамат Зиё “Ўзбек давлатчилиги тарихи”. –Т.: “Шарқ” 2000.

¹⁷ Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. –Т.: “Ўзбекистон” 1992.

¹⁸ Соатов А. “Қалбимда бор алашим маним” “Фан ва турмуш” 1992, 9-10 сон.

¹⁹ Содиқов К. “Туркий жавахирлар девони” “Ватан”. 1994, 22-сон.

²⁰ Каримов К. Юсуф Хос Ҳожиб “Қишлоқ ҳақиқати” 1990, 13-июнь.

²¹ Уватов У. Рашидуддин ал-Вотвот мактублари “Гулистон”, 1991, 11-сон.

²² Султонмурод Олим Буюк Нақшбандия. Кеча, бугун, эртага. “Фан ва турмуш” 1993, 5-6-сон.

²³ Ориф Усмон. Ваҳдад шаробин ичдим “Мулоқот” 1991, 6-сон.

авлодни ҳар томонлама етук билимли, маънан комил инсон бўлишида Шарқ уйғониш даври мутафаккирлари илмий меросининг илмий ҳамда тарбиявий аҳамиятини тадбиқ этишдан иборатдир. Шунингдек, ишда соҳадаги ўз ечимини кутаётган масалалар ва муаммолар юзасидан илмий таҳлиллар, хулосалар, таклифлар, тавсиялар ва фикр-мулоҳазалар ишлаб чиқиш мақсади белгиланган.

Тадқиқот предмети. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамиятни шакллантиришда давлатчилик тарихимизнинг ўзига хос жиҳатлари, ислохотларни амалга оширишда давлатнинг бош ислохотчилик фаолияти, халқимиз маънавий, маданий ҳаётини юксалтириш ҳамда баркамол авлод тарбиясида миллий истиқлол ғоясининг аҳамиятини оширишда аجدодларнинг бой илмий мероси ташкил этади.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари. Ишда Ўрта асрлардаги Шарқ алломалари асарларидаги турли илмий услубий асослар, улардаги миллий маънавиятнинг ривожлантиришни тадқиқ этишга доир методологик ёндашувлар ўрганилди ва улардан фойдаланилди. Шунингдек, Президент И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Юксак маънавият – енгимас куч” асарлари ҳамда Хоразм Маъмун академиясининг минг йиллик юбилейидаги нутқлари ҳамда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятисари” тамойиллари ишнинг методологик ва назарий асосларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг мактаблари ва эмпирик базаси. Тадқиқот мактаблари сифатида Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг бой адабий илмий мероси ва бугунги кунда олимлар томонидан ёзилган асарлардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда Ўзбекистонда миллий маънавиятни ривожлантиришда Ўрта аср Шарқ уйғониш даври алломаларининг илм-фан ҳамда маънавиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси алоҳида аҳамият касб этади. Халқимиз миллий маънавиятини шакллантиришда уларнинг илмий изланишлари ва илмий меросининг аҳамияти, шунингдек баркамол авлод тарбиясида тутган ўрни атрофлича тадбиқ этилди.

Диссертацияда қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб амалга оширилган илмий тадқиқотлар жараёнида қуйидаги илмий янгиликларни олишга эришилди:

- Миллий маънавиятни юксалтириш халқ турмуш тарзини яхшилашнинг кафолати сифатида кишилик тараққиётининг ўзини оқлаган энг юқори босқичи эканлигини Ўзбекистонда фуқароларнинг маънавий қарашини ривожлантиришда Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг ёзиб қолдирган асарлари аҳамияти ва таъсири катта эканлигини тадқиқот этиш натижасида исботланди;

- Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатда ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол инсон бўлиб, тарбиялашда илм-фан ҳамда маънавиятнинг ўрни юқори эканлиги илмий жиҳатдан асосланди.

- Бугун оммавий маданиятнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий жиҳатлари инсон онги, тафаккури ва дунёқарашига ўз таъсирини кўрсатаётган бир пайтда, миллий маънавиятини инсонлар қалбига сингдириш эволюцион (босқичма-босқич) тарзда ривожланишни талаб қилади. Бу эса аждодлар меросига, айниқса, Ўрта аср мутафаккирларининг илм-фан ривожига йўлида амалга оширган жаҳоншумул ишларига эҳтиёж сездиради. Ўз навбатида уларнинг илмий адабий меросларини ўрганиш, тадбиқ этиш самарали эканлиги тадқиқот ишида ҳар томонлама асосланди.

Тадқиқот натижаларини амалга ошириш. Диссертациядан олинган натижалар асосида мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда Маҳалла фуқаролар йиғинида маънавиятимизга оид дарс соатларини ташкил этишда фойдаланса бўлади. Шунингдек, Ўрта аср мутафаккирларининг ахлоқий-тарбиявий, маънавий баркамоллик, адолатли раҳбар сингари қарашларининг миллий, маънавий аҳамиятини инобатга олган ҳолда маънавиятимизни ривожлантиришда демократик тамойиллар ва миллий анъаналар асосида ислох этишга тавсия этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация “Кириш”, 2 боб ва 6 параграф, “Хулоса” ва “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмларидан иборат.

I-БОБ. IX-XII АСРЛАРДА МОВОРУННАХР ВА ХОРАЗМДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

Қарийб уч мингйиллик давлатчилик тарихига эга бўлган мамлакатимиз тарихида уч маротаба уйғониш даври бўлган. Ушбу уйғониш даврининг илк босқичи IX-XII асрларни ўз ичига олган бўлиб, Шарқ ренессанси даври деб юритилиб, бунга Моворууннахр ва Хоразм давлатларидаги сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётнинг таъсири катта бўлди.

1.1. IX-XII асрларда Мовароуннахрда Сомонийлар ва Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар.

VII асрларнинг ўрталарига келиб арабларнинг ўлкамизга таҳдиди жиддий тус олди. Аввалига 651 йилда Марвни эгаллаган араблар VIII аср бошларига келиб бирин кетин Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Шош ва Фарғона ҳудудларини эгаллай бошлади. Бунинг натижасида ўлка биринчи минг йилликда араб мустамлакасига айланди. Араб мустамлакачиларига қарши юртимизда эрк озодлик учун кураш олиб борилди. Ана шундай кўзғалонлардан бири 806 йилда Рофе ибн Лайс бошчилигида бўлиб ўтди. Кўзғалон Муқанна анъаналарини давом этирди. Араб Халифалигини зирқиратган ушбу кўзғалон Насаф, Бухоро, Уструшон, Шош, Хоразм ва бошқа ҳудудларни қамраб олди. Айниқса, Шош шаҳрида ҳаракат кучли тус олди. Халифа Маъмун бу ҳаракатнинг халифат учун ўта хавфли эканлигини тушунган ҳолда кўзғалонни бостириш учун барча имкониятларни ишга солади. Ниҳоят кўзғалон 810 йилда бостирилиб уни бостиришда Сомонхудодиннинг набиралари – Асаднинг ўғиллари Нух, Аҳмад, Яҳё ва Илёслар катта ҳиса қўшганлар²⁴.

Сомонхудодиннинг авлодлари IX аср биринчи ярмида Фарғона, Шош, Самарқанд, Ҳирот каби йирик вилоятларга ҳокимлик қилганлар. Лекин халифалика қарамлик сақланиб келган. 874 йилдан бошлаб Бухорони, 892 йилдан бошлаб эса бутун Мовароуннахр ҳудудини бошқара бошланган. Ўз навбатида Мовароуннахрни мустақил подшоликка айлантирган ҳукмдор Исмоил 849 йили Фарғонада туғилган. 14 ёшида отаси Аҳмад вафот этиб, акаси Наср қўлида қолади. Уддабирон Исмоил 892 йили бутун Мовароуннахр ҳудудини ўз назоратига олиши, Хуросон ҳукмфармоси Амир ибн Лайсни Хуросон билан бирга Мовароуннахр устидан ҳам ҳукм юритиш ҳуқуқи билан таъминланганлиги ҳақидаги фармоишдан ҳам билиш мумкин. Фармоишни олган Амир ибн Лайс 900 йилнинг баҳорида Балх яқинида Исмоил билан тўқнашади. Ушбу

²⁴ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи.-Т.: “Шарқ” 2010, 166-бет.

тўқнашувда Амир ибн Лайс мағлубиятга учрайди. Шу тарихи Хуросон ва Шимолий Эрон ҳам Исмоил тасарруфига ўтади. Араб халифалиги қарамлигига барҳам берилади.

Исмоил энг аввало, мамлакат сиёсий бирлигини таъминлашга бел боғлаб, Фарғона, Исфижоб (Сайрам), Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чағаниён, Хутталон, Кеш, Хуросон, Сейистон, Ғазна каби қатор вилоятларни ўз ҳукми остида бирлаштирди. Гарчи уларнинг ҳаммаси ҳам мутлоқ равишда тобеъ бўлмасда марказлашган давлатни тан олди. Бундан кўринадики, Исмоил марказлашган давлатчилик асосларини қайтадан тиклашга муваффақ бўлди. Бироқ тарихчи мутафакир олим Наршахий Бухоро тарихи асарида сомонийлар давлатининг ижтимоий-сиёсий бошқаруви ҳаётини қуйидагича ёритган. Исмоил вафотидан сўнг (907 йил 25 ноябрь)²⁵ тахтга чиққан самонийлар намояндлари (Аҳмад, Наср II, Нух I, Абдумалик, Мансур I, Нух II, Мансур II) Исмоил самоний қолдирган меросни сақлаб қолишга ожизлик қилдилар. Айниқса, Исмоилдан кейин тахтга ўтирган Аҳмад субутсизлик қилиб, араб тилини яна давлат тили даражасига кўтарди. Аҳмаднинг бу каби бошқа ишлари ҳам кўп бўлиб охир-оқибата унга суиқасд уштирилишига сабаб бўлди. Хуллас, X аср давомида сиёсий бошбошдоқлик авжига чиқиб, марказий ҳокимият мавқеига путур етади. Ўз навбатида сомонийлар зарбининг пасайиши минтақанинг Етгисув ва Қошғар қисмида бошқа бир сиёсий сулола - қорахонийларнинг кучайиб бориши билан тўғри келганди. Натижада X аср охирида ҳокимият уларнинг қўлига ўтади. Қорахонийлар минтақанинг Етгисув, Қошғар, Мовароуннаҳр каби қисмлари устидан ҳукмронлик қила бошлайдилар. Хуросон, Ғазна каби вилоятлар эса худди шу даврдан бошлаб минтақада етишиб чиққан яна бир сиёсий сулола - ғазнавийлар тобеълигига ўтган эди.²⁶

Самонийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт қуйидагича бўлган. Бинобарин, Исмоил самоний ўз даври учун энг муҳим бўлган марказлашган давлат тузишга эътиборни қаратди. Бу тизим асосини олий ҳукмдор даргоҳи (саройи) ва девонлар (вазирликлар) мажмуи ташкил этган. Олий ҳукмдор амир унвонига эга эди. Шунинг учин ҳам ёзма манбаларда Амир Исмоил, Амир Аҳмад каби таъкидларни учратиш мумкин. Бундан ташқари Хориз амири лавозими ҳам бўлиб, у олий ҳукмдорнинг барча ҳукм ва топшириқлари ижросининг бажарилишини назорат қилган. Даргоҳ ва бошқа муҳим идораларнинг хавфсизлигини амалга ошириш вазифасини бош хожиб ва унинг ходимлари

²⁵ Абу Бакир Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. –Т.: Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти 1966. 82-бет.

²⁶ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.: “Шарк” 2000, 94-бет.

базарганлар. Даргоҳнинг хўжалик юмушлари фаолиятини Вакил бошқарган. Бундан ташқари даргоҳда дастурхончи, эшик-оғаси, шарбатдор каби хизматлар ҳам бўлган.²⁷

Девонлар бошқарувига келсак, уларнинг умумий сони 10 та бўлиб, пойтахт Бухорода хар бири учун алоҳида бинолар куриб берилган. Девонлар хақида батафсил маълумот келдирадиган бўлсак улар қуйдаги кўринишда бўлган.

1. Бош вазир девони. Бутун ижроя ҳокимияти ҳамда қолган тўққиз девон устидан раҳбарлик ва назорат ҳудди шу вазирлик тамонидан амалга оширилган. Самонийлар даврида ушбу лавозимга замонанинг атоқли хонадонлари намояндалари тайинланган. Чунончи, бош вазирлик жайҳонийлар, балъамилар, утбилар сулолалари орасидан чиққан шахсларга насиб этганлиги маълум.

2. Молия (кирим-чиқим) ишлари девони. Давлатнинг молиявий ишлари, сарф-харажатларига оид ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланган.

3. Давлат расмий хужжатларини ишлаб чиқиш девони. Бу махсус девон саналиб, унинг хизматчилари давлат аҳамиятига молик бўлган барча хужжатларни тайёрлаб берганлар. Бундан ташқари мазкур девонга элчилар тайёрлаш ва амалга ошириш каби вазифа ҳам юклатиб келинган.

4. Соқчилар бошлиғи девони. Ушбу муассаса махсус сараланган ҳарбий қисмларга бошчилик қилиб, уларнинг тайёргарлиги, тартиб интизоми, озиқ-овқати, умуман, хўжалик таъминоти, маоши масалалари билан шуғулланиб келган. Маош бир йилда тўрт маротаба хар уч ойда тўлаб келинган.

Жумладан, самонийлар давлатида юқорида санаб ўтилган девонлардан яна олтитаси мавжуд бўлиб, улар қуйидагича номланган.

5. Хат-хабарлар мутасаддиси девони даргоҳ, ҳукумат, маҳаллий ҳокимият билан боғлиқ хабардорлик ишлари билан машғул бўлиб, пойтахтда қабул қилинган муҳим қарорлар, хужжатлар ва бошқа расмий кўрсатмаларни вилоятлар, шаҳарларга етказиш ҳамда жойлардаги шу тадбирлар билан банд бўлган.

6. Сарой иш бошқарувчиси девони. Даргоҳ таъминоти билан боғлиқ сарф харажатлар устидан назорат олиб бориш шу девонга юклатилган.

7. Давлат мулклари девони ҳукумдор сулолага тегишли мол-мулк бошқаруви, назорати, ҳисоб-китоби билан шуғулланган.

8. Мухтасиб девони жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган хизматлар сирасига кирган. Унинг хизматчилари қиладиган асосий иш шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва бозорларда тартибни назорат қилиш, диний маросимларни амалга

²⁷ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи.-Т.: “Шарк” 2010, 174-бет.

оширишда чегарадан чиқмасликни таъминлаш, савдо-сотик ишларида харидорларга хиёнат қилмаслик, махсулотлар сифатини қатъий кўрсатилган даражада тутишни текшириш, нарх-навони белгиланган миқдордан (айниқса нон, гўшт каби бирламчи озуқаларга) оширмасликни назорат қилишдан иборат бўлган.

9. Вақифлар девони, яъни турли йўллар билан диний муассасалар ихтиёрига ўтказилган мол-мулк, ер-сув ишлари билан шуғулланувчи вазирлик.

10. Қозилик ишлари девонига қозиларнинг фаолиятини назорат қилиш юклатилган. Баъзи ҳолларда, яъни иши қозига оширилганлар орасида юқори лавозимда ишлаётганлар бўлса, қозилик қилишни олий ҳукмдорнинг шахсан ўзи, ёки у тамонидан тайинланган ҳукмдор сулола вакили амалга оширган. Бундан мақсад амалдорларнинг қозиларга тазик қилишларига йўл қўймаслик бўлган.

Юқорида санаб ўтилган девонларнинг жойларда ҳам бўлимлари мавжуд бўлган. Улар марказдаги ўз девонларидан ташқари маҳаллий ҳокимларга ҳам бўйсиниб, маҳаллий бошқарув идоралари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатганлар. Бундан хат-хабарлар хизмати девони мустасно ҳисобланиб, уларнинг маҳаллий бўлимлари фақат марказгагина ҳисобот берган.²⁸ Бу эса ўз навбатида маҳаллий ҳокимлар фаолияти устидан пинхона назорат олиб бориш имконини берган.

Самонийлар ҳукмронлиги даврида дехқончилик ривожланган бўлиб, бу борада Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон водийлари, Шош, Хоразм, Хуросон вилоятларида дехқончилик ишлари яхши ривожланган. Ҳаттоки, бу ерда етиштирилган махсулотларни, ернинг унумдорлигини кўрган чет элдан келганлар ҳам ҳайратланган.

Умуман олганда, ўлкада савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши яна бир муҳим фаолит-қурувчилик, меъморчиликда ҳам катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Шаҳарлар кенгайди, мухташам бинолар, бозорлар, масжид-мадрасалар, хаммомлар, устахоналар, дўконлар ва бошқа қатор иншоотлар бунёд этилган.

Хуллас, Самонийлар ҳукмронлиги даври ҳам мамлакатимиз давлатчилиги тарихида ўзига хос аҳамият касб этди. Бу даврда ижтимоий, маънавий соҳаларда, айтиқса анъана ва тажрибаларимизнинг нақадар мустаҳкам пойдевор эканлиги намоён бўлди.

Мовароуннаҳрда X асрнинг иккинчи яримига келиб, яъна бир сулола минтақанинг Етгисув қисмида ўзи шаклланган макондан кўра ҳам кенгрок миқёсда сиёсий фаолият кўрсатиш имкони ва қудратига эга бўлган янги бир сиёсий куч майдонга чиқади. Биз уларни қорахонийлар номи остида биламиз.

Ушбу сулола фаолиятига батафсил тўхталадиган бўлсак, улар минтақанинг Етгисув, Марказий Тангритоғ ҳудудида қадимдан яшаб келаётган турки тилли

²⁸ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.: “Шарк” 2000, 96-бет.

қавмларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий муносабатлари муҳотида шаклланганлиги аниқ бўлган ҳолда, мазкур сулола тўғридан-тўғри қайси бир қабилага тегишли экани масаласи ҳамон бахсталаб бўлиб келмоқда.

Шундай қилиб, ўзбек давлатчилиги тарихида қорахонийлар сулоласининг тутган ўрнига тўхталадиган бўлсак, мазкур сулола X асрнинг иккинчи яримидан бошлаб ўз ҳудудини кенгайтди. Аввалига шарқий йўналишда Балхаш кўлидан-Черчен дарёсигача бўлган ерларни бўйсундиришга муваффақ бўлиб, ғарбий йўналишда эса Исфижоб, Ўзган, Мурғоб дарёси қуйи оқимларигача бўлган ерларни ўз таъсир доираларига киритиб оладилар. Ҳарбий-сиёсий мавқейлари тобора кучайиб бораётган қорахонийлар янада ғарбга силжиб, Самарқанд, Бухоро вилоятларига ҳужум қилдилар. Буғроҳон бошчилигида 992 йилда сомонийлар ҳукмдори Нух ибн Мансур (976-997) билан тўқнашган қорахонийлар Бухорони ишғол қилишга муваффақ бўлади. Аммо ушбу ютук вақтинчалик бўлиб, Буғроҳон тез орада ортга қайтишга мажбур бўлади. Фақат 999 йилга келиб қорахонийлар Бухорони қайтадан эгаллашга муваффақ бўладилар. Бу эса бир сулола ўрнига иккинчи суллоланинг келиши эди. 1005 йили сомонийлар сиёсий саҳнадан бутунлай тушиб кетди. Шу вақтдан бошлаб эса қорахонийлар Бухоро, Самарқанд умуман олганда Амударёгача бўлган ҳудудларни бошқара бошлаганлар. Бошқача қилиб айтганда, XI аср бошларида Туркистон бир қанча сиёсий кучлар томонидан идора этилган. Шарқий Туркистон, Тошкент, Исфижоб, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Чағаниён, Хутталон вилоятлари қорахонийлар, Амударёнинг чап соҳилидаги ерлар то Ғазнагача, Хуросон, Сейистон вилоятлари ғазнавийлар, Хоразм эса хоразмшоҳлар, шарқ ва шимолдаги ерлар ўғузлар томонидан бошқарилар эди.²⁹

Бинобарин, қорахонийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрда бир қатор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, сомонийлар ҳукмронлиги даврида вужудга келган марказлаштирилган давлат бошқаруви тугатилди. Қорахонийлар марказлашган давлат бошқаруви ўрнига мамлакатни улус тизими асосида бошқаришга ўтдилар.

Қошғардан тортиб Амударёгача бўлган ҳамма ерлар қорахонийлар хонадонининг мулки бўлиб, унинг тепасида улуғ хон турган. Ҳукмдор кўпинча Қошғарда онда-сонда Боласоғунда бўлган. Хонлар хони идора қилаётган қорахонийлар давлати бир неча бўлақларга, қисмларга-уделарга бўлинган. Бу уделарнинг тепасида қорахонийлар хонадонининг авлодлари вакилларида илоқхон унвонини олган аъзолар турарди. Бинобарин, 1043 йилларда қорахонийлар давлатини бошқарган томғачхон Шарафуддавла ўзига қарашли вилоятларнинг ҳаммасини ака-укалари ўғиллари ва

²⁹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.: “Шарқ” 2000, 105-бет.

қариндош-уруғларига бўлиб берган. Жумладан, укаси Арслонтакинга кўпчилик турк шаҳарларини, иккинчи укаси Бўғрохонга Торозни, Исфижобни амакиси Тўғонхонга Фарғонанинг ҳаммасини берган. Ўзига эса фақатгина Қошғар билан Боласоғуни қолдирган.

Ўз навбатида марказий хонлар хони билан илқхонлар ўртасида алоқа мустаҳкам бўлмаган. Илоқхонлар бир-бири билан доимо душманлик кайфиятида яшаганлар ва ҳар бири ўзича мустақил бўлишга интилган. Бинобарин, Сомонийлар инқирозига қадар қорахонийлар давлати пойтахти Боласоғун бўлган бўлса, XI асрга келиб эса томғачхонлар кўпроқ Қошғарда турганлар. Ўзган шахри эса Қорахонийлар давлатининг пойтахти вазифасини бажарган. Улус хонликлар орасида Мовароуннахрнинг аҳамияти катта эди. Мовароуннахрнинг илоқхони Самарқанда яшаган.³⁰

Жумладан, қорахонийлар давлат бошқарув тизимида даргоҳ фаолиятига катта эътибор берилган. Бунда даргоҳ яъни олий ҳукмдор билан вилоятлар, фуқаролар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириб турувчи хожиблар, асосан, олий ҳукмдор, вилоят ҳокимларининг давлат ва раият ишлари бўйича энг яқин маслаҳатчилари ҳисобланганлар. Чунончи машҳур мутафаккир ва шоир Юсуф Хос Ҳожиб (тахминан 1020 йилларда туғилган) у Тамғоч Қора Бўғрохон эътиборини қозониб, хос хожиб унвонини олган. Бу ҳақида унинг ўзи шундай ёзган: “Хос хожиб унвони лойиқ билди у. Ўзига энг яқин одам қилди у”.³¹ Ҳудди шундай унвонга Маҳмуд Қошғарий ҳам муносиб кўрилган.

Даргоҳ фаолиятини тегишли даражада тутиб туришда сарой ишлари бошқарувчиси, меҳмонларни қабул қилиш хизмати, хазиначи, ошхона мутасаддиси, шарбатдор, ётоқ, кийим-кечак билан таъминловчи хизмат, ов уйиштириш хизмати сингари бошқаларнинг ҳар-бирини ўз ўрни бўлган.

Бундан ташқари олий ҳукмдорнинг хавфсизлигини таъминлаш, унинг сиёсати йўлида содиқона хизмат қилиш вазифаси бўлган махсус сараланган ҳарбий қисм (гвардия) ҳам даргоҳ бошқаруви тизимида кирган. Гвардиядан ташқари ҳарбий қўшин ҳам мавжуд бўлиб, энг муҳим лашкарбошилиқ ва бошқарув мансабларига қорахонийлар сулоласи намояндалари ҳамда содиқлигига шубҳа бўлмаган лашкарбошилар тайинланган. Агар қўшиндаги бошқарув тизимида назар ташланса, шу нарса аёнлашадики, йирик лашкарбошилардан ташқари кичик офицерлар (човуш), оталиқлар сардори (ҳайилбоши), юзбоши, мингбоши каби ҳарбий мансаблар ҳам мавжуд бўлган.

³⁰ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи.-Т.: “Шарк” 2010, 186-бет.

³¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: “Юлдузча”1990, 9-бет.

Шунингдек, минтақада бир вақтнинг ўзида ўзига хос сиёсий кучларнинг фаолият кўрсатиши, бундан ташқари қорахонийларнинг ички зиддиятлари даргоҳнинг ташқи ишлар дипломатия масаласига жиддийлик билан қарашларини талаб этган. Ушбу масалага Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида келтирилган маълумотлар орқали ҳам билишимиз мумкин. Ўз навбатида ташқи сиёсат билан шуғулланувчи мансабдорларга, хусусан, элчилар олдига жуда катта талаблар қўйилган, яъни улар “билимли, уқувли, кўзи тўқ, шерюрак, етук, уят-андишали” бўлишлари керак бўлган. Бундан ташқари бир нечта талаблар қўйилган: астраномия, математика, геодезия илимларини мукамал билиш, шахмат ва нардани рақибларидан устун даражада ўйнаш, ҳарбий санъатда беназир бўлиш ва ҳеч қачон май ичмаслик, сўз, ибораларнинг тўғри ва кўчма маъноларини пухта билиш.³²

Шу ўринда қорахонийлар давлатидаги иқтисодий муносабатларга тўхталадиган бўлсак, бу борада сўз кетганда аввало деҳқончилик ишларига тўхталамиз. Қорахонийлар даврида деҳқончилик ишлари бир маромда кечган. Бунга сунъий суғориш тизимларининг талаб даражасида ишлаб туриши, лозим бўлганда уларнинг таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши, ер ости, ер усти қувурларининг ўтказилиши, каналлар, сув омборлари, тўсиқларининг бунёд этилиши ҳамда ўлкада, айниқса, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида деҳқончилик анъаналари юқори даражада бўлганлиги орқали эришилган. Бундан ташқари ушбу даврда кончилик, ҳунарманчилик, тўқимачилик ҳам ривожланган. Жумладан, Охангарон атрофида (Қорамозор) мис, кумуш, қўрғошин конлари, Фарғонада олтин, симоб, мармар, Бухоро, Усрушонада олтин, нефть, купарос, катрон, Нурота тоғларида олтин, мис, қўрғошин, симоб, мармар конлари ишлаб турган. Жумладан, деҳқончилик ва кончиликнинг ривожланиши қорахонийлар давлатида яъна бир соҳа бўлган ҳунармандчиликни жонлантириб турган. Ўлкада қурилиш ишлари ҳам олиб борилган.

1.2. Ғазнавийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт

Исмоил Сомонийдан кейин самоний ҳукмдорлар орасидан ҳар жиҳатдан етук, юқори даражада сиёсат юргизадиган арбоб етишиб чиқмади. Бунинг оқибатида самонийлар ўз ички, яъни сулолавий имкониятларидан кўра кўпроқ мавжуд сиёсий муҳит қонуниятларига боғлиқ бўлиб қолганлар. Ўз навбатида сиёсий муҳитни эса лашкарбошиларсиз тасаввур этиб бўлмасди. Бинобарин 961 йили самоний ҳукмдор Абдумалик ўлиmidан сўнг вазирлар тахтга марҳумнинг ўғлини ўтқаздилар. Бунга, манба

³² Юсуф Хос Ҳожиб .Кўрсатилган асар. 59-бет.

тили билан айтганда, «Сомонийлар хонадони учун мактовга лойиқ, хизматлар қилиб келган ҳамда ноиблик ва лашкарбошилиқ йўлини тутган» Алптегин қаршилиқ қилади. Шу тариқа давлат арконлари ва Алптегин ўртасидаги мухолифлик кучайиб авжига чиқади. Бунинг натижасида эса лашкарбоши Бухорони тарк этади. Хатто шундан кейин ҳам зиддиятлар тугамай, охирида Алптегин ва Бухоро қўшинлари ўртасида тўқнашув содир бўлиб, бухоролик лашкарлар мағлубиятга учрайди. Сомонийлар хонадони ва Мовароуннаҳр билан алоқани узган Алптегин Ғазна вилоятида ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Унинг вафотидан (963) сўнг Ғазнада навбати билан Амир Исҳоқ, ибн Алптегин, Амир Билгатегин, Амир Пирий, Амир Сабуктегинлар ҳукмронлик қиладилар³³.

Ғазна шаҳрини Хуросоннинг сиёсий марказига айланиши X асрнинг иккинчи яримида тўғри келади. Ғазнавийлар давлатининг асосчиси Сабуктегин бўлиб, бу давлат унинг ўғли Маҳмуд Ғазнавий даврида мусулмон оламининг энг кучли давлатларидан бирига айланди.

Чунончи, унинг ҳукмронлиги даврида (998—1030) Хоразм, Хуросон, Сейистон, Кобул, Ғазна, Шимоли Ҳиндистон каби вилоятлар ва маконлар ғазнавийлар измида бўлган. Маҳмуднинг ўлиmidан сўнг унинг ўрнига тахтга ўғли Маъсуд ўтиради. Бинобарин, Маъсуд даври (1030—1041) асосан Маҳмуд саъй-ҳаракатлари билан кўлга киритилган натижаларни сақлаб қолиш йулидаги уринишлар йиллари бўлди, десак тўғри бўлади. Биринчидан, 1034 йили Хоразм ғазнавийлар таъсир доирасидан чиқади. Иккинчидан эса Хуросонда бошқа бир сиёсий сулола — салжуқийларнинг кучайиб бориши ҳам худди шу Маъсуд даврига тўғри келган. 1035 йилги келишувга биноан Маъсуд салжуқийларга (Йабғу, Туғрил, Довуд бошлиқ, қабилаларга) Нисо, Фарова, Деҳистон вилоятларини маскан ва яйлов сифатида беришга мажбур бўлади. Вақт ўтиши билан куч-қудрат орттирган салжуқийлар 1038 йили Нишопурни эгаллайдилар. Шу йилги Сарахс атрофидаги Маъсуд билан жангда мағлуб бўлишларига Карамай, кўп ўтмай 1040 йили Марв саксон киллометр масофадаги Данданакан деган жойда салжуқийлар ҳукмдори Тўғрулбек томонидан узил-кесил тор-мор этилади. Натижада Хуросон кўлдан кетади. Чунончи, мағлубиятга учраган Маъсуд Ғазнага қочиб келгандан сўнг, кўп ўтмай фитначилар томонидан ўлдирилади. Тахтга укаси Муҳаммад ўтиради. Бироқ Маъсуднинг ўғли Маъдуд (1041—1048) тахт учун бўлган жангда енгилади ҳамда ўлдирилади. Гарчанд Маъдуд ўз хонадонининг илгарги мавқеини тиклашга уринган бўлсада, бунинг удасидан чиқолмаган. Ўз навбатида ўзининг аста секинлик билан қудратини йўқотиб борган Ғазнавийлар давлати XII асрнинг охирларида Афғонистон ҳудудларида ташкил бўлган янги давлат - ғурийлар томонидан бутунлай тугатилди. Аниқроғи, 1186-йилда ғурийлар

³³ Наршахий. Бухоро тарихи. –Т.: Ўзбекистон ССР “Фан” наширёти 1966, 86-бет.

сулоласидан бўлган Ғиёсиддин Муҳаммад қўшини Панжоб вилояти билан чекланиб қолган ғазнавийлар ҳокимиятини узил-кесил тор-мор қилди.³⁴

Ғазнавийлар даври бошқарув тизими ўзининг мураккаблиги билан диққатни жалб этади. У кўп жиҳатдан сомонийлар, қорахонийлар замонидаги давлат бошқаруви тизимларига яқин ва ўхшаш. Чунки ҳар қандай бошқарув тизими (шакли) мавжуд ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий шароитга боғлиқ бўлади. Бошқа томондан эса ғазнавийлар ҳукмронлиги остида бўлган Хуросон, Сейистон, Кобул, Ғазна каби вилоятлар минтақанинг ажралмас таркибий қисмлари бўлиб келганликларини назарда тутсак, бошқарувчилик тараққиётидаги ўхшашликлар, яқинликлар сабаби маълум бўлади.

Демак, бошқарув тизимининг марказида даргоҳ ва девонлар (вазирликлар) турган. Бинобарин даргоҳ фаолиятига олий ҳукмдор ҳаёти ва фаолияти билан алоқадор хизматлар, амаллар кирган. Улар орасида «ҳожиблик» хизмати алоҳида эътиборга лойиқ. Ғазнавийлар даври буйича манбаларда биз ҳожибликнинг қуйидаги шаклларига дуч келдик: улуғ ҳожиб, сарой ҳожиб, навбатчи ҳожиб, ҳожиб-жомадор. Улуғ ҳожиб нафақат бошқа ҳожиблар орасида, балки умуман мамлакат ва давлат ҳаётида алоҳида мавқега эга бўлган. Бунга ишора берувчи бир неча мисоллар келтирамиз. Маҳмуднинг ўлиmidан кейин Муҳаммаднинг тахтга ўтиришига бош-қош бўлган ва қисқа муддатга бўлсада, бошқарув ишларини ўз ихтиёрида мужассамлаштирган ҳам улуғ ҳожиб Али Қариб бўлади. Расмий маросимларда улуғ ҳожиб олий ҳукмдорга энг яқин жойни эгаллаган. Унга ғоят муҳим вазифалар юклатилган. Катта аҳамият касб этувчи жанглarda улуғ ҳожибга қўшиннинг энг салмокли ва масъулиятли қисмига бошчилик қилиш вазифаси юклатилган. Масалан, олий ҳукмдор марказни бошқарса, сипоҳсалор ўнг қанотга, улуғ ҳожиб эса чап қанотга қўмондонлик қилган.

Чунончи ҳожиблик, умуман олганда, қандайдир бир ижтимоий-сиёсий табақа сифатида кўпроқ намоён бўлади.

Ғазнавийлар бошқарув тизимида девонлар (вазирликлар) ижроия идоралари ҳам мавжуд бўлган. Улар қуйдагилар: Вазир девони, яъни бош вазир девони; ҳарбий ишлар девони; дипломатик ва бошқа расмий тадбирлар, ҳужжатларни расмийлаштириш, тузиш девони; ҳисоб-китоб, яъни молия девони; почта-хабар девони сингари девонлардан иборат бўлган. Гарчи манбаларда мушрифлик (давлат назорати), мухтасиблик девонлари тилга олинмасада, аммо шундай хизматлар мавжудлигидан уларнинг марказий девонлари

³⁴ Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиқ тарихи. I-қисим. –Т.: “Марифат”, 2009, 250-251-бетлар.

ҳам бўлган, деган хулоса чиқади (масалан, шаҳар мушрифиди, вилоят мушрифиди мансаблари бўлганлиги аниқ).

Вилоят бошлиғини волий деганлар ва уни олий ҳукмдор тайинлаган. Вилоят ижроия бошқарув ишларини амид олиб борган. Шаҳар бошлиғини раис деб атаганлар. Шаҳар миқёсида шихна, кутвол (қалъа комендант), соҳиби девон (маъмурий бошқарувчи) каби амалдорлар ҳам фаолият кўрсатганлар.

Ғазнавийларнинг ташқи алоқалари масаласида икки нарсага эътибор бериш лозим: уларнинг минтақа ҳудудидаги муносабатлари ва минтақадан ташқаридаги алоқалари. Ғазнавийларни минтақанинг Мовароуннаҳр, Фарғона, Еттисув, Шарқий Туркистон қисмларида ҳукмрон бўлган қорахонийлар билан муносабатларни йўлга қўйганлар.

Гарчи бу муносабатларга кейинчалик бир неча марта (асосан қорахонийлар томонидан) бузилиб турган бўлсада, умуман олганда, Амударё икки томон учун чегара бўлиб қолаверган. Жумладан, ҳам худудий, ҳам сиёсий-ҳарбий, иқтисодий жиҳатлардан ўзига яраша қудратга эга бўлган қорахонийлар билан бирданига кескин сиёсат юргизиш калтабинлик бўларди. Шимолий Ҳиндистонда, кейинчалик Хоразмда эришилган сиёсий-ҳарбий ютуқлардан сўнг эса ғазнавийлар қорахонийлар билан нафақат тенгма-тенг рақобатлаша оладиган, балки улардан устунроқ, мавқега ҳам эришадилар.

Салжуқийлар билан муносабатда ҳам Маҳмуд узокни кўзлаб иш тутади. Гарчи бу вақтда салжуқийлар етуклик даражасидан йироқ бўлсаларда, лекин умуман жиддий ҳарбий куч сифатида Хуросонга хавф туғдиришлари мумкин эди. Айниқса, Маҳмуднинг Шимолий Ҳиндистонга уюштирган юришлари чоғида бундай хавф воқеликка айланиши эҳтимолга яқин бўлган. Шунинг учун ҳам у 1025 йили турк-ўғуз уруғларидан бир қисмига (тўрт минг чодир) Хуросондан манзил беради¹. Кейинчалик Масъуд даврида улар кучайиб, ғазнавийларга қақшатқич зарба берадилар.

Ғазнавийларнинг минтақадан ташқаридаги давлатлар билан ҳам алоқалар қилган. Жумладан, уларнинг Араб халифалиги билан муносабатлари тўғрисида тўхталадиган бўлсак. Ғазнавийлар ўзининг илгариги қудратини йўқотган халифалик ҳурматини ўрнига қўйишга ҳаракат қилганлар. Зеро, бу уларнинг манфаатларига мос келар эди. Яъни, биринчидан, Араб халифалиги шунчалар заиф эдики, минтақадаги бирон-бир сиёсий сулола (масалан, қорахонийлар, хоразмшоҳлар ва ғазнавийларнинг ўзлари ҳам) уни реал қудрат сифатида тан олмасди. Демак, халифалик томонидан ғазнавийларга қарши ҳарбий хавф-хатар йўқ эди. Аксинча, Масъуднинг тили билан айтганда, «Агарда халифалик даргоҳига ҳурматимиз бўлмаганда эди, ночор Бағдодга отланиб ҳаж йўлини холи қилиб

кўярди. Агар отамиз қазо қилмай, Хуросонга қайтишга мажбур бўлмаганимизда, албатта, бугун Миср ва Шомда (ҳам ҳукмрон) бўлардик»³⁵. Бундан кўринадики, XI асрга келиб Араб халифалиги ўзининг ҳар томонлама кудратини ёқотиб бўлган эди.

Хулоса қилиб айтганда, ғазнавийлар даври давлат бошқарувида ижтимоий-сиёсий ҳаёт ривожда меъморчилик, дехқончилик ҳамда маънавий соҳаларга алоҳида аҳамият касб этган.

Шу ўринда минтақада XI асрнинг иккинчи яримидан бошлаб, ўз ҳукмронлигини ўрнатган салжуқийларнинг ижтимоий-сиёсий давлат бошқарувиغا батафсил тўхталсак.

Улар X асрнинг иккинчи ярими ва XI асрнинг биринчи ярими оралиғида буюк салжуқийлар давлати номи билан тарихга кирган яна бир Турк давлати сифатида намоён бўлди. Бинобарин, таниқли тилшунос олим Қозоқбой Маҳмудовнинг фикрича, салжуқийлар ҳам Алптакин сингари Ўғуз қабиласининг Қиниқ уруғига мансуб бўлганлар.³⁶ Ўз навбатида салжуқийлар дастлаб ҳозирги Жанубий Қозоғистон худудига тўғри келадиган яйловларда, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда кўчманчи ҳаёт кечирар эдилар. Улар кўплаб қабил ва уруғларга бўлинганлар. Ана шундайлардан бири қиниқ уруғидан чиққан Салжуқ исмли шахс ўзининг фазилатлари, билимдонлиги, абжирлиги ва мардлиги орқасида обрў-эътибор қозониб боради ва бир қанча ўғиз қабилалари сардори, катта ҳарбий куч бошлиғи даражасига эришади. Табиий равишда бундай шахсларнинг бориб-бориб ўз давраси, таъсир доираси вужудга келади. Салжуқда ҳам шундай бўлган. Бу эса ўз ўрнида муайян қарама-қаршиликларни ҳам вужудга келтирган. Хуллас, иқтисодий-сиёсий рақобат натижасида Салжуқий ўз тарафдорлари билан юқорида тилга олинган Сирдарёнинг ўрта оқимларини тарк этиб, дарёнинг қуйи оқими чап қирғоғида жойлашган Жанд вилояти яқинига келиб ўрнашади. Бу воқеа тахминан X асрнинг ўрталарида содир бўлган. Шу орада улар ислом динини қабул қиладилар.

Салжуқийлар иложи борича Хуросонда мавжуд иқтисодий, савдо ва албатта, сиёсий шароитлардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бу ўз ўрнида шу вақтда ўлкада ҳукмдор бўлган Ғазнавийлар манфаатига зид келарди. Шу тариқа улар ўртасида зиддият пайдо бўлади. 1040 йилга қадар улар бир неча марта ўзаро тўқнашганлар. Охири эса кўрсатилган йили Дандоникрда салжуқийлар ғазнавийларни мағлубиятга учратадилар. Хуллас, 1040 йили салжуқийлар ҳукмдори Туғрулбек (1038-1063) Хуросон ҳукмдори деб

³⁵ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т.: "Шарқ" 2000, 121-бет.

³⁶ Маҳмудов Қ. Туркий қавмлар тақдири."Фан ва турмуш", 1990, 12-сон, 20-бет.

эълон қилинади ва шу тариқа дунё салтанатлари тарихида яна бир қудратли сулоланинг расмий юксалиш йўли бошланади³⁷.

Шу ўринда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий давлат бошқарувига тўхталиб ўтадиган бўлсак, давлат тепасида олий ҳукмдор мақомида салжуқийлар хонадони намояндаси турган. У Султон (Султон ул-аъзам) унвонига эга бўлган. Унинг номидан хутба ўқилиб, танга зарб этилган. Тахт отадан болага мерос сифатида ўтган. Мулк, ер-сув тақсимлаш, муҳим давлат ва бошқарув мансабларига тайинлаш, давлат қирим-чиқимларидан бохабар бўлиб туриш, қўл остидаги амалдорлар ва хизматкорлар фаолиятини назорат қилиб туриш унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари сирасига кирган. Шунингдек, олий ҳукмдор ўз мансабдорлари, хизматкорлари устидан тушган ариза ва шикоятларни, амалдорларнинг даромади, солиқ, тўпловчилар, уларга бошчилик килувчиларнинг фаолиятини назорат қилиб бориши керак бўлган. Мамлакат ободонлиги, сунъий суғориш тизимларини барпо этиш, кўприклар қуриш, қишлоқларни обод этмок, экинлар аҳволидан бохабар бўлиш, калъалар, янги шаҳарлар барпо этиш, олий бинолар қуриш, катта йўллар узра работлар (меҳмонхоналар) бино этиш, мадрасалар очиш каби қатор савобли ва ҳар қандай давлат ривожига учун зарур бўлган тадбирларни амалга ошириш ҳам олий ҳукмдор зиммасида бўлган. Низомулмулк ҳукмдорнинг фуқароларга муносабатини шундай белгилаган: «Подшоҳнинг бир ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилмасдан иложи йўқ. У зулмкорни жазоламоғи, инсофга чақирмоғи, раият сўзларини ўз қулоғи билан воситачисиз эшитмоғи керак. Аризчилар энг муҳим сўзларини айтмоқлари, (ҳукмдор эса) улар буйича ҳукм чиқармоғи лозим. Шунда мамлакатда подшоҳ эзилган ва адл истовчиларни ҳафтада икки кун қабул қилиб, уларнинг сўзини тинглар экан, овозаси тарқайди. Зулимкорлар бундан чучийдилар, қўлларини калта қиладилар»³⁸.

Салжуқийлар бошқарув тизимида ҳам бош вазир хизмати алоҳида аҳамият касб этган. Чунончи, у султон номидан қарам ўлкалар ҳукмдорлари, хорижий давлатлар намояндалари билан мулоқот ва музокарада бўлиш ҳуқуқига эга эди. Иккинчи томондан, шунчалик кенг қўламда фаолият кўрсатиш унинг бир ўзига оғирлик қилгани табиий. Шунинг учун ҳам бош вазир ўзининг махсус вакиллари, назоратчилари орқали ҳам иш юритган. У хизматчиларни ишга олиш, уларга маош тайинлаш, ишдан бўшатиш каби ваколатларга ҳам эга бўлган. Хуллас, бош вазирнинг ҳақ-ҳуқуқи катта бўлган бўлса-да, аммо у ер-мулк тақсимлаш борасида ҳуқуқсиз бўлган. Мазкур ваколат султон ихтиёрида қолган.

³⁷ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т.: «Шарқ» 2000, 125-бет.

³⁸ Низомулмулк. Сиёсатнома, (Сияр ул-мулк), -Т.: «Янги аср авлоди», 2010, 11-бет.

Девонлар тўғрисида сўз очарканмиз, уларнинг икки тоифага бўлинишини таъкидлаш лозим: сулолавий ва расмий девонлар. Номидан ҳам кўриниб турганидек, сулолавий девон ҳукмдор хонадон фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унга тегишли мол-мулк, ер-сув, ҳазина ва бошқалар бошқаруви, ҳисоб-китоби, олиқ-солиғи каби вазифалар билан шуғулланган. Расмий девонлар қуйидагилардир: девони туғро, девони истифо, девони ишроф, девони арз. Туғро девони мазкур девонлар ичида энг муҳими ҳисобланиб, унинг бошлиғи бош вазир ўринбосари мавқеида бўлган. Бу девонда олий ҳукмдорнинг фармонлари, қарорлари, расмий ёзишмалари ва ҳужжатлари тайёрланиб, кейин унга муҳр бостиришга тақдим этиларди. Жойларга расмий ҳужжатлар юбориш, улардан ҳужжатлар қабул қилиш, чет элларга мактублар юбориш, давлат ҳужжатларида махфийликни таъминлаш кабилар шу девон хизматчилари назорати остида эди. Бу девонга хизматга ҳар ким ҳам олинавермасди.

Кейинги вазирлик бу истифо, яъни молия девони. Давлат кирим-чиқимлари, солиқлар, бож ва бошқа молиявий даромадлар, уларни алоҳида рўйхатга олиш худди шу девон ихтиёрида мужассамлашган. Бу вазирлик жойлардаги бўлимлари орқали тегишли руйхат ва миқдорларда солиқ йиғиш, қилинган ишларни алоҳида дафтарларда қайд этиш билан шуғулланган. Бўлимлар марказга ҳар бир тадбир, масалан, солиқ йиғиш бўйича алоҳида ва батафсил ҳисобот ёзиб берганлар. Истифо девони ҳуқуқлари нечоғлик бўлганлигини шундан ҳам билса бўладики, унинг хизматчилари (муставфийлар) ҳатто даргоҳ кирим-чиқимлари, ҳазинадаги аҳвол, мавжуд нақд пулнинг ҳисоби, давлат қармоғида бўлганларга кетадиган харажат, маош, нафақа миқдори кабиларга ҳам тўғридан-тўғри аралашганлар, назорат қилганлар.

Яна бир вазирлик бу ишроф девонидир. Унинг бўлимлари вилоятлар ва шаҳарларда ҳам фаолият кўрсатган. Бир сўз билан айтганда, бу хизматнинг моҳияти давлат назорати тушунчасини беради. Бунинг исботини ишроф хизматининг фаолият доираси орқали ҳам билиб олиш мумкин: молия-солиқ ҳисобларини назорат қилиш ва текшириш, вақфга тегишли мулклар устидан умумий назорат олиб бориш, сулолага тегишли ер-сувлар, қимматбаҳо молия қоғозлари, зарбхоналар, амалдаги муҳрлар, бозорлар мутасаддилари, солиқчилар, қишлоқ оқсоқоллари ва бошқа амалдорлар устидан назорат олиб бориш. Назорат ўз ўрнида махфий ҳам бўлган.

Девони арз ўзига хос ҳарбий муассаса (ҳарбий вазирлик) бўлиб, лашкарга мўлжалланган маош ва таъминот (озик-овқат ва кийим-кечак), ҳарбийларнинг рўйхати, янгиланиб туриши, ҳарбий қисмларнинг таркибий сони, уларга кетадиган харажатларнинг тури ва ҳажми, транспорт, ҳарбий юришлар чоғидаги таъминот, вақти билан ҳарбийлар

кўригини ташкил этиш кабиларга масъул эди. Мазкур девон ва умуман девонлар тизими иши қандай йўлга қўйилганини қуйидаги мисол орқали яққол тасаввур қилиш мумкин. Лашкардаги бирон-бир хизматчининг маоши ошириладиган ёки қисқартириладиган бўлинса, бу ҳақида, энг аввало молия-солиқ, идоралари билан келишиб олинishi зарур ҳисобланган.

Маҳаллий бошқарув тизимига келсак, вилоят бошлиқлари (волий) ҳам ўз девонларига эга бўлганлар. Волийларни олий ҳукмдор тайинлаган. Улар бутун вилоят ҳаёти билан боғлиқ барча соҳаларга бошчилик қилганлар: молия, солиқ, суд, ҳарбий ишлар, жазо идоралари волий назорати, тасдиғи измида фаолият кўрсатганлар.

Туман, шаҳар миқёсидаги бошқарув тизими ҳам вилоятларники каби бўлган, фақат ҳарбий фаолият бундан мустасно эди.

Салжуқийлар даври иқтисодий муносабатлар аҳволига келадиган бўлсак, албатта, биз бутун салтанат, яъни Мовароуннаҳрдан Ўрта денгизгача бўлган ҳудудда кечган иқтисодий муносабатлар тўғрисида фикр юритмай, асосий эътиборни мазкур масаланинг минтақага алоқадор томонларига тўхталиб ўтсак тўғри бўлади.

Шу маънода ўз даври учун катта аҳамият касб этган деҳқончилик ривожланиб бориб, бунга асосан сунъий суғориш тизимларининг кенгайиб, мукаммаллашиб бориши кенг йул очиб берган. Чунончи, сув тўғонларини таъмирлаш, янгиларини қуриш, ер ости ва ер усти сув иншоотларини барпо этиш, деҳқончиликнинг илғор усулларидан фойдаланиш, сунъий сув ҳавзаларини яратиш каби тадбирлар ўша замон деҳқончилиги тараққиётидаги асосий омиллардандир. Ўз навбатида деҳқончилик соҳасининг ривожини, албатта, ҳунармандчилик тараққиёти учун тегишли асос яратиб беради. Бинобарин ҳунармандчиликнинг ривожланиши ўз-ўзидан яна бир муҳим соҳа - савдо-сотикнинг ривожланишига туртки бўлади.

Дарҳақиқат, савдо-сотикнинг ривожланишида ишлаб чиқариш билан бир қаторда улкан иқтисодий-савдо маконининг мавжудлиги ҳам муҳим ўрин тутган. Албатта, бундай маконни яратиш осон бўлмаган. Шаҳарларда бозорлар аҳволини яхшилаш, тартиб ўрнатиш, карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш, маълум масофаларда работлар, тўхташ жойлари бино этиш, пул муомаласини назорат қилиш каби қатор муҳим тадбирларни доимо амалга оширишга тўғри келган. Бунинг натижасида минтақанинг

Ўрта ва Яқин Шарк, Шарқий Европа, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакат ва ўлкалар билан савдо алоқалари гуркираб борган³⁹.

Хуллас, салжуқийлар даври ва фаолияти ҳақида кўп ёзиш мумкин. Аммо бир нарса аниқки, Туркистондан чиқан намоянда сифатида салжуқийлар мазкур минтақанинг сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳадаги кўп асрлик тажриба ва анъаналарига суянганлар, баҳоли қудрат ўз фаолиятларида уларни давом эттиришга ҳаракат қилганлар.

Ўзбек давлатчилиги тарихида Сомонийлар, Қорахонийлар, Ғазнавийлар ҳамда Салжуқийлар давлати билан бир қаторда яъна бир ўзини ўлкада ижтимоий-сиёсий, маънавий қудратига эга бўлган давлат Хоразмшоҳлардир. Ўз навбатида Хоразмшоҳ дейилганда, аслида, Хоразм воҳасида ҳукмронлик қилган сулола вакили тушунилади, яъни Хоразм хукмдори (шоҳи) маъносини англатади. Узоқ асрлар давомида бу вилоятда бир қатор сулолалар хоразмшоҳлар унвони остида фаолият кўрсатганликларини биламиз. Масалан, IV—X асрларда африғийлар хонадони, 995—1017 йилларда маъмунийлар (Маъмун I, Абулҳасан Али, Маъмун II), 1017—1041 йилларда эса олтунтошийлар (Олтунтош, Хорун, Хандон) сулолалари хоразмшоҳлар унвони билан бошқарув курсида ўтирганлар. Аммо Хоразм доирасидан ташқарига чиқиб, мамлакат, минтақа миқёсида от суриб ва бу билан ҳам чекланмасдан бошқарувнинг салтанат даражасига эришган сулола бу ануштегинийлардир (1097-1231).

Ануштегинийлар сулоласининг бошловчиси Ануштегин (вафоти 1097 йил) ҳисобланади. XI асрнинг иккинчи ярмида салжуқийларнинг омади чопган вақтлар эди. Ануштегин салжуқий хукмдор Султон Маликшоҳнинг мансабдорларидан бўлиб, ўзининг намунали хизмати эвазига юксак мартаба ва хукмдорнинг яқин аёнларидан бири даражасига кўтарилди. Тахминан 1077 йили у Хоразм шихналиги (комендант маъносида) вазифасига тайинланади. 1097 йили эса ўғли Кутбиддин Муҳаммад Хоразм волийси, яъни ҳокими мавқеига эришади. Унинг ҳокимлиги фақат Хоразм доирасида бўлгани табиий. Кутбиддин Муҳаммад салжуқийлар даргоҳига қарам эди. Хар йили ўзи ё ўғли Отсиз орқали марказга вилоятдан ундирилган солиқни олиб бориб турарди. Кутбиддин Муҳаммад вафотидан сўнг ўрнига ўғли Отсиз (1127-1156) ҳокимликка ўтиради. Ўз навбатида Отсиз ҳам аввалига отаси каби салжуқийлар хонадонига сидқидилдан хизмат қилади. Аммо сиёсатда бўлганидек, ўз мавқеи мустаҳкамланиб ва аксинча, рақобатчилари заифлаша борганини сезган ҳолда салжуқийларга қарамликдан бош торта бошлайди. Гарчи фаолиятининг сўнгги 20 йили давомида у мутлоқ мустақилликка

³⁹ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.: “Шарк” 2000, 131-бет.

эришиш ва бу билан ҳам чегараланмай ўз ҳукмини Сирдарёнинг қуйи окимларидаги ерлар ва Хуросонга ҳам ўтқазишга интилган бўлса-да, аммо моҳият эътибори билан айтадиган булсак, унинг замонида Хоразм вилояти тўла эркинликка эриша олмади. Агар Отсиз замонаси сиёсий манзарасига назар ташлагудек бўлсак, бу вазифани ҳал этиш ҳақиқатан ҳам қийин эканлигини сезамиз. Нима бўлганда ҳам Султон Санжар ғоятда катта қудратга эга эди. Бунга Отсизнинг ўзи ҳам бир неча бор иқрор бўлган. Иккинчи томондан, шу асрнинг 30-йиллари охири ва 40-йиллари бошида Туркистон сиёсий майдонига чиқан янги куч — қорахитойлар ҳам ниҳоятда қувватга тўлиб турган эдилар. Бекорга Отсиз уларга йилига 30 минг олтин динор тўлаб туришни бўйнига олмаган, албатта. Аммо шу билан бирга Отсиз фаолияти ўз сулоласининг кейинги ўн йилликларда Туркистон ва ундан ташқарида ҳам амалга оширган ҳаракатларининг асосини яратишда бекиёс бўлди. Яъни Отсиз ануштегинийлар хонадони нафақат бир вилоят, балки улкан минтақада ҳам сиёсат юрғизиш, донгдор сиёсий кучлар билан рақобатлаша олишга қодир эканлигини амалда кўрсатганди. Бинобарин, Отсизнинг сиёсатини ўғли Эл Арслон (1156—1172) давом эттиради. Эл Арслон учун Хоразмда мустақил сиёсат юрғизишга эришиш мушкул эмасди. У фақат бу билан чегараланибгина қолмай, минтақа бўйлаб ҳам фаол ҳаракат қила бошлайди. Чунончи, у 1158 йили Мовароуннаҳрда қорахитойлар билан тўқнашиб, кўли баланд келган ҳолда улар билан сулҳ тузади. 1167 йили эса Нишопурни эгаллайди ва Озарбайжонга ҳарбий юриш уюштиради. Аммо Эл Арслонга ҳам марказида Хоразм бўлган, барча томонидан тан олинган қудратли сиёсий уюшмага асос солиш насиб этмаган.

Хоразмшоҳларнинг забардаст сиёсий куч сифатида руёбга чиқа олмаганликларининг бош сабабларидан бири бу ички низоларга барҳам бера олмаганликларидир. Чунончи, Эл Арслондан сўнг унинг ўғиллари Аловиддин Такаш ва Султоншоҳ Маҳмуд ўртасида 20 йилдан ортиқ вақт давомида тахт учун кураш кетади. Такаш яқка ҳукмдор сифатида кенг қамровли сиёсат юрғизиш имконига эга бўлди. Шундай қилиб 1217 йилга келиб Озарбайжон, Эрон, Хуросондан Ҳиндистонгача бўлган ерлар хоразмшоҳлар измига тушган.

Шу ўринда хоразмшоҳлар даври бошқаруви ҳақида сўз кетганда, шуни айтиш кераки, уларнинг бошқарув тизими ҳам минтақада ҳукмронлик қилган сулолалар бошқарувидан фарқи бўлмаган. Зеро, бир томондан, сулолалар ўзгарган билан воқелик, яъни макон ва анъаналар ўша-ўшалигича қолаверган, иккинчи томондан, ануштегинийлар маълум муддат салжуқийлар даргоҳи билан ниҳоятда яқин муносабатда бўлганликлари

учун улардаги бошқарув тизими тажрибасини ўзлаштиришлари қийин бўлмаган. Демак, давлат бошқаруви икки тизимдан: даргоҳ ва девонлар мажмуидан иборат бўлган.

Даргоҳда ҳожиб, улуғ ҳожиб тутган мавқе хусусида биз юқорида ҳам фикр юритгандик. Ҳожиблик хизмати хоразмшоҳлар даврида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Улуғ ҳожиб ҳукмдорнинг энг яқин кишиларидан бири ҳисобланган. Ҳожибларга ғоятда муҳим вазифалар, масалан, махсус музокаралар олиб бориш ва хатто вазирлар фаолиятини тафтиш этиш кабилар топширилган. Шунингдек, ҳожиб лавозимидаги амалдорга бутун бир вилоят ноиблиги топширилгани ҳам маълум. Даргоҳдаги барча хўжалик хизматлари фаолиятини бошқариш устоздорга юклатилган. Султон чақирганда биринчи ҳозир бўладиган шахс ҳам устоздор ҳисобланган. Олий фармон олган устоздор шунга кўра тегишли хизматларга буйруқ берган ва унинг гапини икки қилиш бўлмаган. У даргоҳнинг барча масалалари билан шуғулланган ва бундан ташқари бош хазина маблағларидан ҳам истифода этган ҳолда нонвойхона, ошхона, отхона, сарой хизматчиларининг ҳаражатларини қоплар эди. Шунингдек, у ушбу маблағдан маош бериш ва бошқа ҳаражатлар учун ҳам фойдаланган.

Ўз навбатида давлат бошқарувида амири охур мансаби ҳам масъулиятли ҳисобланиб, унча-мунча киши бу лавозимга тайинланмаган. Чунки унинг буйнига султонга тегишли отлар парвариши юклатилган. Отларнинг сони эса 30 минггача бўлгани маълум. Подшоҳона овларни ўрнига қўйиш тадбирларини амири шикор уюштирган³. Саройдаги муҳим хизматлардан яна бири бу таштдордир. Гарчи таштдор ювиниш анжомларини сақловчи маъносини берсада, аммо аслида бу мансабни эгаллаган киши султоннинг энг яқин кишиларидан бирига айланган. Ҳукмдор унга ўзининг энг махфий фикрларини изҳор қилиши мумкин эди. Яна бир муҳим лавозим бу қиссадордир. У ҳафта давомида султонга тушган арзлар, шикоятларни йиғиб, жума куни кечаси ҳукмдорга топширарди. Кейин эса ҳар бир арзчи ё шикоятчига тегишли жавобини берарди. Бу мансабга ҳам ҳар ким тайинланверилмасди. Зеро, ҳукмдор билан оддий халқ ўртасида алоқа боғлаб, раият ахволи ва зоридан хабардор қилиб туриш савобли ишини ҳамма ҳам ҳалол бажара олмаслиги табиий. Даргоҳда шунингдек, чашнигир - султонга бериладиган овқат, ичимликларни текшириб турувчи, жомадор, султоннинг котиби (даватдор), шаробдор, фаррош, байрокдор (амири алам), хос хизматкорлар бошлиғи (малики хавас) каби хизмат ва вазифалар ҳам бўлгани маълум.

Ижроия ишларини девонлар (вазирликлар) олиб бориб, бу тизим тепасида вазир (бош вазир) турган. Вазир ҳам ҳукмдорнинг энг яқин кишиларидан, биринчи маслаҳатчиси сифатида гавдаланади. Ўз фаолиятида у фақат султон олдидагина жавобгар бўлган.

Расмий тадбирлар, турли мақсаддаги музокараларда ҳукмдор номидан иш тутган. Унга барча амалдорлар, ноиблар, ҳарбийлар бўйсунган. Ишдан олиш, ишга тайинлаш, маош, нафақа тайинлаш, хазина ва солиқ тизимини назорат этиш, маҳаллий вазирлар хисоботини олиш каби қатор вазифалар унинг ваколатида бўлган.

Девонларга келсак, уларнинг фаолияти салжуқийлар замонасидаги тизимдан деярли фарқланмаган. Иншо ёки тугро девони расмий ҳужжатлар, ёзишмаларни тузиш билан шуғулланган. Молия ишлари билан истифо девони, давлат назорати тадбирлари билан ишроф девони, ҳарбий масалалар, чунончи, кўшинни қурол-аслаҳа билан таъминлаш, кўшин аҳкомлари шахсий таркибини назорат қилиш, ҳарбийларга ажратилган ер-сув назорати, ҳарбий куриқлар ўтказиш кабилар билан девони арз ё жайш шуғулланган. Яна бир девон бўлиб у девони хос дейилган. Ҳақиқатан ҳам бу махсус девон ҳисобланиб, ҳукмдор сулолага тегишли ер-сув, мол-мулк, султон мамлукларига маош бериш вазифалари билан машғул бўлган⁴⁰.

Хоразмшоҳлар ўз даврининг энг қудратли лашкарига эга бўлганлар. Юқорида зикр этилган қорахитойларга қарши ҳарбий юришда Султон Муҳаммад ихтиёрида 600 минг отлик аскар бўлгани маълум. Худди шундай куч Бағдод юришига ҳам ташланган. Мўғуллар босқини арафасида эса хоразмшоҳлар тахминан 600 минг отликни ўз қўл остиларида бирлаштириш имконига эга эдилар. Албатта, бу ерда пиёда аскарлар, турли кўмакчи қисмлар назарда тутилмаяпти. Бундай улкан лашкарни тайёргарликда ту- тиш, таъминотидан хабардор бўлишнинг ўзи бўлмаган. Яна шу нарса маълумки, ҳарбий қисмларда аёллар ҳам эркаклар билан баробар жанг қилганлар.

Олий ҳукмдорнинг махсус шахсий гвардияси (ҳарос) ҳам бўлиб, улар фақат мамлуклардан иборат бўлган. Чунончи, Султон Муҳаммаднинг шахсий гвардияси 10 минг кишини ташкил қилган. Кези келганда шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур қисм жангчиларини паҳлавонлар ҳам деб аташган. Шунингдек, ҳарбий назоратчи, сипоҳсалор, соҳиби жайш (вилоят кўшини бошлиғи), амир ул-умаро, малик (10 минг кушин бошлиғи), човуш (чопар), жосус (разведкачи), аскар қозиси каби хизмат ва вазифалар бўлган.

Улкан минтақада сиёсий яхлитлик ва барқарорликка эришилиши, табиий равишда, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда ижобий ўзгаришлар ҳосил бўлишига сабаб бўлиши аниқ эди. Археологик изланишлар, ёзма манбалар гувоҳлигига кўра, сунъий суғоришга катта эътибор берилиб, воҳалар имконидан иложи борица кенг фойдаланишга ҳаракат қилинган. Натижада деҳқончиликнинг ривожланишида узилиш бўлмаган. Шаҳарларда

⁴⁰Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.: “Шарқ” 2000, 144-бет.

хаёт қайнаб, савдо-сотик, хунармандчилик ривожланган. Мамлакатда ишлаб чиқарилган турли хилдаги газламалар, заргарлик буюмлари, кийим-кечаклар, гилам, поёндоз, тери, жун, ёг-мой, совун, курол-аслаха, эгар-жабдуғлар, хўл мева, курук, мева, ипакликлар, жавоҳирлар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳам ички бозорда, ҳам ташқи бозорда харидоргир эди. Албатта, бунда тегишли давлат идораларининг ҳиссаси ҳам катта бўлган. Чунончи, доим бўлганидек мухтасиблар бозорлардаги нарх-наво, маҳсулотларнинг сифати, тошу тарозунинг аҳволидан хабардор бўлишни тўхтатмаганлар. Карвон йулларида тўхташ жойлари, сув омборлари, ҳавзалари қурилган ё борлари таъмирланган, катта карвонларни қўриқлаб боришга ҳатто султоннинг шахсий паҳлавонлари ҳам жалб этилган.

Хоразмшоҳлар даврида Туркистоннинг ташқи сиёсий-дипломатик алоқаларига тўхталсак, Рус подшоҳи Владимир (978—1015) хоразмшоҳлар ҳукмдорига ўз элчиларини юбориб, ислом динини қабул қилиш борасидаги ниятини билдиради ва шунга кўра хоразмшоҳ руслар ўлкасига имомлардан бирини юбориб, мусулмончилик қонун-қоидаларини ўргатишда русларга ёрдам беришни тайинлайди. Агарда Владимир даврида Рус давлатининг расман христианликни (988 йили) қабул қилгани назарда тутилса, шундай хулоса қилиш мумкинки, жамият ҳаётида катта аҳамият касб этувчи бу жараёнга, яъни мажусийликдан яқка худоликка ўтишга ўта жиддий равишда тайёргарлик кўрилган. Шу маънода мусулмончиликни қабул қилиш масаласи ҳам кун тартибида турган. Зеро, бу динга кириш мусулмон оламига кириш, унинг имкониятларидан, масалан, ҳарбий кучидан Византия вакилларига қарши курашда фойдаланиш йўлини очиб берарди. Туркистон эса ўша вақтларда мусулмон дунёсининг энг қудратли ва кенг имкониятли мамлакатларидан бири сифатида Рус давлати подшоҳлари учун ўз ички ва ташқи сиёсатларини амалга оширишда катта қўрғон бўлиши муқаррар эди⁴¹.

Хулоса қилиб айтганда, IX-XIII асрларда Ўрта Осиё худудида ҳукмронлик қилган давлатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти деярли бир хил бўлган. Бундай бўлиши ҳам табиий бир ҳол эди. Чунки, минтақада ҳукмронлик қилган сулолаларнинг номлари ҳар хил бўлгани билан, аҳолининг турмиш даражаси бир хил бўлган. Шунинг учун ҳам минтақада ҳукмронлик қилган сулолаларнинг давлат бошқарувида деярлий фарқ бўлмаган. Жумладан, қарийб икки аср давомида ҳукмронлик қилган Хоразмшоҳлар давлатида ҳам бошқарув бир хил бўлган. Бироқ улкан ҳудуд ва қўшинга эга бўлган сулола ўзаро ички зидиятлар натижасида сиёсий парокандалик юз тутди. Натижада Чингизхон қўшинига дош беролмай мағлубиятга учради.

⁴¹Азамат Зиё. Кўрсатилган асар 149-бет.

1.3. IX-XII асрларда Мовароуннахр ва Хоразм давлатларида илм-фан ва маънавий ҳаёт.

IX-XII асрларда Мовароуннахр ва Хоразм давлатларида ижтимоий- сиёсий ва иқтисодий соҳалар билан бир қаторда яна бир ўта муҳим бўлган масала маънавий ҳаёт ҳам ривожланди. Ўлкадан жаҳон илм-фан ривожига буюк хисса қўшган мутафаккир алломалар етишиб чиқди. Дарҳақиқат, жамият кўрки ва қудратини белгилаб берувчи яна бир ғоят муҳим, нозиктаъб соҳа - илму маданиятнинг ҳам изчил ривожланишига минтақада ҳукмронлик қилган давлатлар томонидан ўз даврида шарт-шароитлар яратиб берилди.

Жумладан, самонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам маданий ҳаёт ривожига катта эътибор қаратилди. Бинобарин, Самонийлар даврида илм-фан ва маданият ҳам юксак даражада ривожланган бўлиб, шахсан самоний амирлари фан ва адабиётга ҳомийлик қилганлар.

Бухорода Афшона қишлоғида туғилиб ўсган ва номи бутун жаҳонга машҳур бўлган олимлардан бири Абу Али ибн Синодир (980-1037). Унинг тўла номи Абу Али ал-Хусайин бини Абдуллоҳ Бухорий - Европада Авицена номи билан машҳур бўлган энциклопедик олим. Ибн Сино ўз даврида ўқиш ва ўқитишнинг дуристгина йўлга қўйилганлиги туфайли ёшлигидан илм-фан асосларини ўрганишга киришади. Кейинчалик эса Шарқ мамлакатлари мутафаккирлари асарларини, қадимги юнон табиий-илмий ва фалсафий меросини кунт билан ўрганади.

Ибн Сино ёшлигиданоқ истеъдодли, хотираси кучли ва ўткир зехнли сифатлари билан ном қозонган эди. Унинг зехни шу даражада кучли бўлиб, у 10 ёшидаёқ Қуръони каримни ёд олган. Ёшлигиданоқ табиат илмини чуқир ўрганади, юнон олимларининг илмий меросига қизиқади. Букрот ва Жолинус асарларини ўрганиб, табиблик билан шуғинланади. Бинобарин у 16-17 ёшидаёқ Бухорода машҳур табиб бўлиб ном қозонади. Самонийлар ҳукмдори Нуҳ II ибн Мансур касал бўлиб қолганда кўп табиблар унинг дардига шифо топа олмайдилар. Шунда ёш Ибн Сино доврўғини эшитган подшо аёнлари уни Афшона қишлоғидан олиб келади. Натижада унинг муолажасидан шифо топган подшо унга Бухорода машҳур бўлган Самоний подшоларининг кутубхонасидан фойдаланишга руҳсат беради. Ибн Сино бир йил давомида кутубхонанинг турли фан соҳаларига доир асарларидан баҳра олган аллома жаҳонга машҳур олим, ҳам шифокор, файласуф, шоир, ислом илмининг етук олими бўлиб танилади. Аллома бутун умри давомида 280 дан ортиқ илмий асарлар тасниф этган. Улардан 160 таси бизгача етиб келган. Ибн Сино асарларининг энг машҳури “Китоб уш-шифо”, “Китоб ал-қонун фит-

тиб”, “Китоб ун-нажод”, “Донишнома” каби 30 дан ортиқ асарлари жаҳон тилларига таржима қилинган. Алломанинг барча асарлари “улуму-у-ислом ” қоидаларига асосан ёзилган.⁴²

Мутафақир, аллома, тиб илмининг султони Ибн Сино IX- XII асрларда Мовароуннаҳрда яшаб ўтган Беруний, Хоразмий, Термизий, Фарғоний каби олимлар қаторида ўз юрти Бухорони жаҳонга танитган. Ўз навбатида аллома Шарқда “Шайх ур-раис” Ғарбда эса “Авицена” номи билан машҳур бўлган.

Самонийлар ҳукмронлиги даврида ўзининг илмий изланишлари билан шуҳрат топган алломалардан яна бири, Мусо Хоразмийдир. Ўз навбатида аллома Араб халифалиги ҳамда Европани ҳинд ҳисобига ўргатди, яъни уларга номалум 1 дан 9 гача бўлган рақам шакллари орқали қўшиш, айриш ва бўлишнинг энг маъқул ва илғор йўллари ни шарҳлаб берган. Бунгача Европа рим рақами билан таниш бўлган. Олимнинг “Ал жабр ал муқобала ҳисоби ҳақида китоб” асари математик алгебра (ал жабрнинг лотинча жаранглаши) соҳасига асос бўлган. XIV асрдан бошлаб алгебра Европада ёйила бошлайди. Ҳар қандай регуляр ҳисоблаш жараёнини англатадиган математик тушунча алгаритим ҳам бизнинг аجدодимиз номи билан боғлиқ⁴³.

Яна бир аллома буюк астраном, математик ва географ Аҳмад Фарғонийни олайлик. Ҳисоб яъни ҳисобдон, математик номи билан машҳур бу аждодимиз европаликлар наздида Алфраганус номи ила эътиборли эди.

Самонийлар ҳукмронлиги даврида ижод қилган яна бир аллома Фаробий ҳақида ўзоқ сўзлаш мумкин. Фаробий Шарқда “иккинчи муаллим” номини олган бўлиб, “Биринчи муаллим ” Арасту тушинилади. Алломанинг фан ва маданият соҳасида олиб борган ишларига назар солсак: фалсафа, мантик, математика, геометрия, астраномия, физика, оптика, кимё, тиббиёт, биялогия, мусика, тилшунослик, шеърят, нотиклик санъати, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, ахлоқ каби кўплаб фан йўналишларида илмий изланишлар олиб борган⁴⁴.

Умуман олганда, самонийлар даврида тарих ва адабиёт соҳасида ҳам йирик асарлар яратилган. Пойтахт Бухорога шоирлардан ташқари кўплаб илм-фан дарғалари олимлар келиб яшаб ижод этганлар. Бунга мисол асли Испаниянинг Қурдоба шаҳридан келган олим Муҳаммад ибн Солиҳ ал-Кахтоний бутун Шарқни саёҳат қилиб келиб, ниҳоят Бухорога келиб ўрнашиб қолган ва умрининг охиригача шу ерда ҳадис илми билан шуғулланган. Бунинг бойиси шуки, Бухоро Самонийлар даврида бутун Шарқ оламида

⁴² Жалилов С. Бухоро тақдири.-Т.: “Meriyus” 37-38-бетлар.

⁴³ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.: “Шарқ” 2000, 103-бет.

⁴⁴ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри.-Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти” 1993, 17-бет.

исломий фанларнинг энг йирик маркази сифатида ном қозонган эди. Айнан мана шундай муҳитда буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий яшаб ижод қилди ва она шаҳри шухратини бутун мусулмон оламига танитди⁴⁵.

Бинобарин, X аср охри ва XI аср бошларида Сомонийлар билан Қорахонийлар давлати ўртасида Марказий Осиё ерлари учун олиб борилган ўзаро кураш натижасида кўп жойлар зарар кўрди, Бухоро шаҳрига ҳам моддий ва маънавий жиҳатдан қатик шикаст етди. Устига устак Мовароннахр ерларига XI асрда жануб томондан Салжуқийлар давлати бостириб кириб, Бухоро улар қарамоғига ўтиб қолди.

Шундай қилиб қудратли Самонийлар давлати қулаган бўлсада XI-XII асрларда Бухоро сиёсий пойтахт сифатида ўз мавқеини йўқотган бўлсада, Мовароннахрда ўзининг диний ва илмий нуфузини сақлаб қолган эди.

Шу ўринда Мовароннахрда X асрнинг охри XI аср бошларидан ҳукмронлик қилган Қорахонийлар даври илм-фан ва маънавий ҳаётига назар солсак, ушбу даврда ҳам кўплаб истеъдод эгалари юзага чиққан. Улардан бири Юсуф Хос Ҳожиб ҳамда Махмуд Қошғарийлардир. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” (“Саодатнома”) асари билан машҳурдир. Ушбу асарда давлатни бошқариш усули, қонун қоидалари, сиёсати, мафкураси, ижтимоий гуруҳлараро муносабатлар, одоб-ахлоқ, масалаларига оид ўз даври учун зарур ва аҳамиятга эга бўлган, тарихан ўз аҳамиятини йўқотмайдиган фикрлар билдирилган. Чунончи, у жамиятнинг тўрт устунини қуйидагича белгилаб берган: Адолат, Давлат, Ақлу Заковат, Қаноат.⁴⁶ Дарҳақиқат, мана шу тўрт устун ҳақидаги жамият бахт-саодатни таъминлашда илм биринчи ўринга қўйилади: “Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, Билим қайда бўлса, буюклик бўлар”. Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида давлат-идора кишилари ҳақида фикр юритган. Унга кўра, вазирлар оқил, довьорак, имонли, номусли бўлишлари керак. Беклар, яъни ҳокимлар эса билимли, кўзи, кўнгли тўқ бўлмоғи лозим. Агар улар бузуқ феъл бўлсалар, замона ўқидан қочиб кутила олмайдилар, улардан одамлар юз ўгирадилар, ғамга гирифтор бўладилар. Ушбу асарда лашкарбошилар хусусида, шунингдек олимлар, шоирлар, чорвадорлар, савдогарлар, оила, фарзанд тарбиясига оид хикматли сўзлар билдирилган⁴⁷.

Қорахонийлар ҳукмронлиги даврида ижод этган ажойиб асар ёзиб қолдирган адиб Махмуд Қошғаридур. Унинг асари “Девону луғотут-турк” деб номланиб, бу унинг маълум манода туркий тилли халқлар ҳақидаги қомусий асаридир. Ўз навбатида асар Туркистон халқлари тили, морфологияси, фонетикаси, лексикаси, этималогиясини ўрганишда

⁴⁵ Жалилов С. Кўрсатилган асар. 39-бет.

⁴⁶ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: “Юлдузча”1990, 9-бет.

⁴⁷ Қаранг: ўша жойда, 50-58-бетлар.

беназир манба ҳисобланади. Зеро, туркий тилли халқлар ҳам сон жиҳатдан кўп, серқавм бўлиб келган. Шунинг учун ҳам улар ўртасидаги муносабатларни тарихини ёритишда “Девону луғотут-турк”нинг аҳамияти катта. Бундан ташқари асарда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётга тегишли бўлган маълумотлар ҳам кўп учрайди. Бинобарин, Маҳмуд Қошғари асарининг қимматли томонларидан яна бири унда муаллиф чизган дунё харитасининг мавжудлигидир. Харита доира шаклида чизилган бўлиб, унинг хар тамони сув билан ўралганлигидан далолат берувчи белгилар мавжуд. Харита марказида Еттисув, Шарқий Туркистон ҳудуди жойлаштирилиб, унинг тўрт атроф йўналишида турли шаҳарлар, мамлакатлар, денгизлар, кўллар, дарёлар, тоғлар жойлашуви берилган. Умуман олиб қараганда, ушбу асар башарият маданий раўнақи йўлини ўрганишда нодир манба ҳисобланади.

Қорахонийлар давлати минтақанинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий тараққиётига хисса қўшган сиёсий кучлардандир.

Шу ўринда Ғазнавийларнинг минтақа маданий ҳаётида тутган роли ҳақида тўхталадиган бўлсак, XI аср фан ва маданияти тараққиёти ва оламшумул ютуқларида улар ҳукмфармо бўлган макон ва замоннинг ўрни катта бўлган. Албатга, бунинг сабаби энг аввало минтақанинг анъанавий фан ва маданият ўчоғи бўлиб келганлиги билан боғлаш мумкин. Шу билан бирга, фикримизча, бунда ғазнавийлар сулоласи намояндаларининг мазкур соҳага бўлган муносабатлари, шахсий имкониятлари омили ҳам кам ўрин тутмаган. Чунончи, Маҳмуд Ғазнавий она тилиси туркийдан ташқари форс, араб, ҳатто паҳлавий тилларини ҳам мукамал билган, шеър битган. Шунинг учун ҳам бўлса керак, Маҳмуд ва умуман ғазнавийлар ҳукмронлик қилган марказлар ўз даврининг маданий муҳитида энг олдинги ўринларда турганлар. Фаррухий, Унсурий, Манучехфий, Утбий, Гардизий, Байҳақий, Носир Хисрав каби машҳур шоирлар, тарихчилар, олимлар ғазнавийлар ҳомийлигида фаолият кўрсатганлар⁴⁸. Буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний (973-1048) ҳам ғазнавийлар саройида илм билан шуғулланиб ўзининг кўплаб машҳур асарларини, жумладан, «Ҳиндистон», «Геодезия», «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Масъуд қонуни», «Минералогия», «Сайдана» сингари йирик асарлари олимга том манода обрў келтирган.⁴⁹

Ғазнавийлар билан яна бир машҳур маданият арбобининг номи Абулқосим Фирдавсий (940/941-1030). Бинобарин, форс адабиётининг даҳо шоирларидан ҳисобланмиш Фирдавсий ҳаммага маълум «Шоҳнома» асарини ўттиз йилдан ортиқ ваҳт ичида ёзиб

⁴⁸ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.: “Шарқ” 2000, 122-бет.

⁴⁹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи.-Т.: “Шарқ” 2010, 232-бет.

тугатиб, ўша замон тартиб-қоидаларига кўра, давр султони Маҳмудга тақдим этади. Маҳмуд бу улкан шеърый асар қарийб, 60 минг байт, 120 минг мисрадан иборат эпик достони ёзган шоирга тамойилга кўра хурмат эҳтиром кўрсатиши керак эди. Аммо у бундай қилмайди. Баъзи бир адабиётларда бунинг учун Маҳмудни коралаш конун тусига кириб қолганлигини назарда тутиб, бу масалага равшанлик киритишга ҳаракат қилайлик. Фирдавсий ўз халқи фарзанди ва куйчиси сифатида табиий равишда Эронзамин ва эрон халқини мадҳ этади. Ва бунда эронликларнинг тарихи ва фазилатлари (донолиги, шижоати ва ҳоказо) масаласини ёритишда уларга туронликларни қарши қўяди. Бугунги кун тили билан айтганда, асарда туронликлар салбий «қахрамонлар» сифатида гавдаланадилар. Туркийнасаб ҳукмдор сифатида Маҳмуд буни қабул қилолмаслиги табиий, эди. Қайси ҳукмдор ўз халқига қарши руҳда битилган асарни тақдирлаган? Бундайи йўқ. Шунинг учун бу борада Маҳмудни айблаш тарихий ҳақиқатга ва умуман мантиқа зиддир.⁵⁰

Ғазнавийлар даврида қурилиш маорифий ишларга эътибор катта берилган. Ғазна, Балх, Нишопур, Шимолий Ҳиндистон шаҳарларида мадраса ва масжидлар қурилиб, ушбу мадрасаларда турли соҳадаги фанлардан дарс берилган. Ўз навбатида илму толиблар учун ўз замонасида бой ҳисобланган кутубхоналар эшиклари доимо очик бўлган.

Салжуқийлар ўз тобеълигида бўлган юртларда фан ва маданият тараккиёти учун барча шарт-шароитни яратиб беришга интиланлар. Салжуқийлар хонадонига мансуб олий ҳукмдорми, шахзодами ё маликами, ҳаммалари мамлакатдаги бирон-бир шаҳарда бир ё бир нечта мадраса қуришни ўз вазифалари, деб билганлар. Жумладан, вазирлар, амирлар, маҳаллий ҳокимлар ҳам улардан ўрнак олиб иш тутганлар. Чунончи, вазир Низомулмулк вазирлиги даврида Боғдод, Басра ва Исфаҳонда “Низомия” номидаги мадрасалар бино қилади. Жумладан, 30 ёшли Умар Хаём (1040-1123) ўз даврининг таниқли астраноми эди. Уни девоннинг илмий ва давлат ишларига тақлиф қиладилар. Гарчанд Умар Хаём ушбу тақлифни рад этган бўлса ҳам Низомилмулк унга йилига 1200 туман ҳақ бериб, илмий ва адабий фаолиятини олиб бориши учун шароит яратиб беради.

Салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳ пойтахт Марв шаҳрида катта обсерватория қурдиради. Ўз навбатида саройда илмий маданий муҳит шаклланади. Буюк олим Муҳаммад Ғаззолий (1058-1111) бу вақтда энди ижодга киришган арабнавис шоирлар Муизий, Тантароний, Туғорий кабилар Маликшоҳ саройи билан боғланган эдилар. Бинобарин, Низомулмулк томонидан 1067 йили Бағдодда оламга машҳур «Низомия» мадрасасини қурдиради. Муҳаммад Ғаззолий ўз вақтида ана шу мадрасада дарс берган.

⁵⁰ Азамат Зиё. Кўрсатилган асар 123-бет.

Ушбу мадрасада олти минг нафар талаба яшаб, таълим олгани маълум.⁵¹ Илму маърифатга бўлган анъанавий жиддий эътибор салжуқийлар даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади ва биз буни юқорида таъкидланган ўнлаб мадрасаларнинг барпо қилиниши орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Аҳвол ҳақиқатан ҳам шундай бўлганини ўша замонда яшаган буюк олимлар, шоирлар фаолияти ҳам тасдиқдайди. Баҳовуддин Абу Бакр Марвазий, Шарафиддин Тусий, Абулҳасан Али Марвазий, Умар Хайём, Абулхотам Музафар Исфизорий, Заҳириддин Ғазнавий каби ҳандасачилар, юлдузшунослар, риёзиётчилар, Шараф аз-замон Муҳаммад Илоқий, саййид Исмоил Журжоний, Фаҳриддин Розий каби табиблар, кимёгарлар, Муъизий, Анварий, Собир Термизий, Асириддин Ахсикатий, Рафъий Марвазий каби йирик шоирлар шулар жумласидандир. Одатдагидек, улар ўз замонларининг барча илмларидан хабардор бўлганлар. Масалан, Умар Хайёмни биз кўпроқ, машҳур шоир, аниқроғи, тўртликлар устаси сифатида таниймиз. Ваҳоланки, у етук юлдузшунос ва риёзиётчи ҳам эди. Хайём иштирокида расадхона лойиҳаси чизилиб, сўнг бир йил ичида барпо этилган. Унда олиб борилган кузатишлар ва бошқа изланишлар натижасида 1097 йили Умар Хайём Султон Маликшоҳ топшириғига кўра янги тақвим (календарь) тузади. Унинг аниқлиги Григорий календаридан ҳам юқори бўлишига қарамай амалда жорий қилинмасдан қолиб кетган. Бундан ташқари математика тарихида сонлардан бутун мусбат илдиз топишнинг умумий қондасини биринчи исботлаб берган Умар Хайёмдир.⁵² Ёки бўлмаса, кутубхоналар аҳволини олайлик. Билим ва маърифат тарқатишда буюк аجدодларимиз тарихий-маданий меросини сақлашда катта аҳамият касб этган бундай муассасалар салжуқийлар даврида талайгина эди.

Хоразмшоҳлар даври фан ва маданият равнақи ҳам аъло даражада бўлганини биламиз. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки юртимиз анъанавий равишда фан ва маданият бешиги бўлиб келаркан, гап фақат у ёки бу даврда икдисодий-ижтимоий тараққиёт аҳволи ва давлат арбобларининг нечоғлик илм-маърифатли эканлигида қолган. Хоразмшоҳлар замонида айни шу икки омил ўзаро уйғунлашган эди. Хоразмшоҳларнинг барчаси чуқур билим эгаси эдилар. Улар ҳам дунёвий, ҳам диний билимларни эгаллаганлар. Масалан, Отсиз қасидалар, рубойлар ёзган, кўплаб назм намуналарини ёддан айтиб бера олган, санъат ва илмга катта ихлос билан қараган. Рубойларидан бирида у шундай дейди: «Дунё белига урилган тамға менинг фармонимдир, фалак қулоғидаги халқа менинг паймонимдир. Бугун шундай салтанатни қўлда тутсамда, Дўст ризолигига эришиш менинг иймонимдир». Такаш, Эл-Арслон, Султон Муҳаммад ва хоразмшоҳларнинг бошқа

⁵¹ Низомулмулк. Сиёсатнома, (Сияр ул-мулк), -Т.: “Янги аср авлоди”, 2010, 7-бет.

⁵² Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.-Т.: “Шарқ” 2000, 134-бет.

намояндалари ҳам кенг билимли, шеър ва санъатни кадрловчи бўлганлар, назмда ижод қилганлар. Такаш эса айниқса уд чалишни ўрнига қўйган.

Юқорида биз хоразмшоҳларнинг барчаси кенг билимлар эгаси эдилар деярдикми, бу билан нафақат ануштегинийларни, балки умуман хоразмшоҳлар унвони билан машхур сулолаларни, жумладан, маъмунийларни ҳам назарда тутамиз. Чунончи, Маъмун II (1010—1017) фан ва маданиятга ҳомийликда ўрта асрлардаги энг донгдор ҳукмдорлардан бири саналиб, пойтахт Урганчда ўз даврининг Академиясига асос солган. Бу масканда яратилган шарт-шароитдан Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Абу Саҳил Масихий, Абулхайр Ҳаммор, Наср Ирок каби буюк даҳолар баҳраманд бўлиб, ўз ижодларини чархлаган эдилар.

Мамлакатимиз ва миллатимизнинг, арбобларимизнинг фан ва маданиятга бўлган чанқоқлиги азалий жараён экани ануштегинийлар даврида яна бир бор исботланди. Бу даврда мадрасалар барпо этиш, кутубхоналар очиш, уларни китоблар билан тўлдириш, истеъдод эгаларининг бошини силаш, асраб-авайлаш одати сақланибгина қолмай, янада ривож топди. Зиё маскани бўлмиш кутубхоналар фаолиятига катта эътибор берилган. Масалан, Бухоро вилоятидаги шаҳарлардан бирида фуқаролар учун умумий кутубхона мавжуд бўлиб, унда сақланидиган қўлёзма асарлар ғоятда ноёб ҳисобланган. Худди шундай кутубхоналар ўлканинг бошқа ерларида ҳам, масалан, Хоразмда бўлгани маълум. Мадрасаларга келсак, манбаларда ёзилишича, бундай билим масканлари салтанат маркази Хоразмдан ташқари Нишопур, Исфохон ва бошқа шаҳарларда ҳам қад қўтарган. Уларда ўқиш жараёнига жуда катта масъулият билан қаралганини шундан ҳам билиб олса бўладики, мадраса раҳбари ва мударрислар олий ҳукмдор ё унинг жойлардаги ноибининг махсус буйруғи билан тайинланганлар. Чунки ҳар қандай жамият, у қанчалик турли имкониятларга эга бўлмасин, агар шу имкониятларни юзага чиқаришга қодир мутахассислар бўлмас экан, улар оғизда қолаверади. Мутахассислар эса тарбияланади, парвариш этилади. Хоразмшоҳлардан Отсиз, Такашларнинг шу маънодаги буйруқларини таҳлил қиларканми, улар мазкур ҳақиқатни жуда тўғри англаганликлари намоён бўлади. Шунинг учун ҳам улар таълим ва тарбия, фан соҳаларига мутасаддиларнинг илмли, иймонли, ҳурматли, ҳалол бўлишларига катта эътибор билан қараганлар. Мазкур сиёсат ўз мевасини ҳам берган. Баҳовиддин Марвазий, Абу Али Хасан Бухорий, Захириддин Ғазнавий, Исмоил Журжоний, Фахриддин Розий, Махмуд Замаҳшарий, Абулфатх Хоразмий, Абулқодир Журжоний, Сирожиддин Хоразмий, Рашидиддин Вотвот, Сайфи Исфрангий, Зиё Хужандий, Нажмиддин Кубро, Мажидиддин Хоразмий каби ўнлаб

математиклар, юлдузшунослар, табиблар, тарихчилар, шоирлар, файласуфлар, адиблар, тилшунослар, мутасаввуф олимлар шулар жумласидандир.

Жумладан, Кутбиддин Муҳаммад ва Отсиз замонларида машхур тиббиёт олими Саййид Исмоил Журжоний фаолият кўрсатиб, бир қатор қимматли асарлар яратган. Улар орасида Кутбиддин Муҳаммадга бағишланган «Заҳирайи Хоразмшоҳий» асари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарнинг қиммати шу қадар бўлганки, Жолинус (Гален), Муҳаммад Закариё, Ибн Сино, Абу Саҳл Масихий асарлари билан бир қаторда тиббиёт соҳасидаги энг муҳим асар ва манбалардан бири сифатида қабул қилинган. Ўн икки жилддан иборат бу асар тиббиётнинг барча йуналишлари, ташриҳ, оддий ва мураккаб дорилар ҳақидаги тадқиқотларни ўз ичига олган. У араб ва турк тилларига таржима қилинган. Исмоил Журжонийнинг энг катта хизматларидан бири шундаки, у Ибн Синодан кейин тиббиёт соҳасидаги барча йуналишларни янги тадқиқотлар асосида қайтадан баён қилиб чиқан. Олим фаолиятининг биз учун кадрли томонларидан яна бири шундаки, Ибн Сино юртимиздан «бир чиқиб» қолган ягона буюк тиббиёт олими эмас, балки бу соҳа ундан кейин ҳам бизда юксак даражада тараққий қилиб келганлиги маълум бўлади. Зеро, ўтмишдаги олиму фозилларимиз илму тафаккурга доимо содиқлик билан хизмат қилиб келганлар. Уларнинг содиқдик тўғрисидаги тушунчалари Ватанга нисбатан ҳам юксак даражада эди. Буни биз машхур мутасаввуф олим ва шоир Нажмиддин Кубро мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Таҳсил олиб юрган ёшлик йилларида ким билан баҳс ё мунозара қилса, доим устун келгани учун Нажмиддинга «таммат ул-кубро», яъни «буюк ғолиб» лақаби берилган экан. Бориб-бориб биринчи сўз (таммат) тушиб қолиб «Кубро» лақаби сақланиб қолган. Нажмиддин Кубро нафақат илм баҳсида, балки Ватан учун курашда ҳам енгилмас бўлган. 1221 йили мўғуллар Урганчни қамал қиладилар. Мудофаачилар орасида машхур шайх Нажмиддин Кубро ҳам борлигини эшитган Чингизхон унга одам юбориб, «Мен Хоразмни ер билан яксон қиламан, замона авлиёси ул зот у ерни тарк этиб бизга қўшилмоклари лозим» деб таклиф қилади. Шайх Чингизхонга шундай жавоб берган экан: «Мана, етмиш йилдирки, тақдирнинг аччиқ-чучугини Хоразм ва унинг халқи билан бирга тортиб келяпман. Фалокат бўсағасида турган бир вақтда элимни тарк этишим инсонийлик ва олижаноб ликдан бўлмайди». Ўша замон тарихчиларининг гувоҳлик беришларича, Нажмиддин Кубро ўз халқи билан бирга қулликдан кўра шахидликни афзал билиб душманга қарши курашда ҳалок бўлган, аммо унга таслим бўлмаган.⁵³

⁵³ Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. -Т.: «Шарқ» 2000, 144-бет.

Шу ўринда хулоса қилиб айтганда, IX-XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида юксалиш бўлди. Бинобарин ушбу юксалиш Шарқ уйғониш даври алломаларининг ушбу минтақада туғилиб камол топишига замин яратди.

Ўлкада илму-фаннинг ривожланиб боришида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган ҳукмдорлар ва шахзодаларнинг илм-фанга қизиқишлари ҳам ўзига хос аҳамият касб этди.

II-БОБ. IX-XII АСРЛАРДА ШАРҚДА ИЛМ-ФАН ВА УНИНГ МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

Бугунги кунда миллий маънавиятни ривожлантиришда, ёшларни илмли доно ҳамда юксак маънавиятга эга бўлган баркамол шахс этиб тарбиялашда энг аввало жаҳон илму-фани ривожига ўз хисасини қўшган ривожланган ўрта аср Шарқ реннесанси даври алломаларининг илми адабий меросларининг аҳамияти каттадир.

2.1. IX-XII асрларда Шарқда илм-фан : Хоразм Маъмун академияси.

Араб халифалиги тамонидан Ўрта Осиё худудлари босиб олинган, ўлкамизда ўз-ўзидан ислом дини билан бир қаторда араб тили, араб алифбоси ҳам жорий қилинди. Араб тили эса давлат тили ва фан тили даражасига кўтарилди. Натижада маҳаллий тилда ёзилган асарлар йўқ қилинди, маҳаллий билимдон аҳоли эса қувғин остига олинди.

Ўз навбатида араб тилини, ислом дини ва Қуръони Каримни яхши эгаллаган ва билган шахсларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи ошди. Бу эса араб тилига нисбатан ҳаётий эҳтиёжни кучайтирди. Моварауннаҳр ва Хуросон ёшлари ўртасида араб тилини ўзларининг она тилига нисбатан ҳам мукаммал билган толиби илимлар кўпайиб борди. Араб тили ва ислом дини бўйича мукаммал билим ва малакага эга бўлганлар араб халифалигининг марказий шаҳарларига бориб ўқишни одат тусига айлантирди. Бинобарин, Дамашқ, Қохира, Бағдод, Куфа, Басра сингари катта шаҳарларда Мовароуннаҳр ва Хоразмдан бориб фан, маданият тараққиётига ўз хиссасини қўшган аждодларимиз сони борган сайин кўпайиб борди. Бу борада Бағдод шаҳри Шарқнинг илм-фан маркази сифатида катта аҳамият касб этди. IX асрларда бу шаҳарларда “Байт-ул-Ҳикма” (“Донишмандлар уйи”)- Шарқнинг фанлар академияси ташкил этилди. Худди шунга монанд билим даргоҳи XI аср бошларида Хоразмда очилди.

Шарқда илм-фан ва маънавий ҳаётнинг ривожланишида энг аввало, ўлкадаги IX-XII асрлардаги ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий турмуш тарзи ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Жумладан, минтақада ҳукмронлик қилган давлатларнинг марказлашган бошқарувга асосланган давлат қуриш учун ҳаракат қилганликлари шунинг билан бир қаторда ҳукмдорлар ўртасида илм-фанга бўлган қизиқишнинг юқорилиги кўплаб мутафаккир алломаларнинг етишиб чиқишига туртки бўлди.

Бинобарин, Бағдод ҳамда Урганчдаги “Донишмандлар уйида” ўз вақтида номлари дунёга машҳур бўлган улуғ алломалар ва мутафаккирлар тахсил олганлар. Жумладан, улар орасида Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Исмоил ал-Бухорий, Ал-Хоразимий,

Беруний, Ибн Сино, Ибн ал-Хаммор, Абу Сахил Масхий, Ибн Ироқ каби улуғ ва буюк зотларнинг номлари бор.⁵⁴

Шарқ уйғониш даври алломаларидан Аҳмад Фарғонийнинг (797-861) фаолиятига тўхталадиган бўлсак, IX асрда яшаб ижод этган ватандошимиз ҳақида маълумот берувчи таржима хужжатлари деярли йўқ даражада. Филолог олим Азиз Қаюмовнинг⁵⁵ маълумотларига қараганда, аллома ёшлик чоғлариданоқ фанга илм олишга чанқоқ бўлиб ўсган. У асосан табиий фанлар: фалакиётшунослик, математика, география каби фанлар бўйича ижод қилган. Унинг ижодий фаолияти Бағдод билан яъни, улуғ мутафаккир олим Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий раҳбарлигида фаолият кўрсатган “Байтул Ҳикма” билан боғлиқдир. Алломанинг фалакиётшуносликка оид илмий-тадқиқот ишлари ижодий самаралар берган. Аҳмад Фарғонийнинг дунёга маълум ва машҳур олти китоби бўлган. Булар “Китоб Фи Усул илм ан-Нужум” (“Фаллакиёт илмининг усуллари ҳақида китоб”). Ушбу рисоланинг асл кўлёмалари матни бир хил бўлсада, беш ном остида сақланади. Яъни Ал-Мажистийга бағишланган “Фалакиёт рисоласи”, “Фалак сифералари сабабияти”, “Ал-Мажистий” (Птоламейнинг “Алмагес” асари), “Илм ал-ҳая” (“Фалакиёт илми”) деб аталади. Бу нодир кўлёмалар Англия, Франция, АҚШ, Марокаш, Миср ва Санкт-Петербургда сақланмоқда.

Ўз навбатида аллома ўзининг илмий изланишлари натижасида қилган буюк кашфиётлари билан жаҳон фан ва маданияти ўлкан ва муносиб хисса қўшган. Хусусан, унинг 812-йилда Қуёш тутилишини олдиндан башорат қилиши, ернинг думалоқ шар шаклида эканлигини очганлиги олимга шуҳрат келтирган. Фарғоний Мисрда яшаган чоғида Нил дарёсини сувини ўлчайдиган асбоб ясаган. Ушбу асбоб туташ идишлар қоидасига асосланган бўлиб, ҳозиргача сақланади.

Жумладан, олимнинг стереографик проекциялар назариясини ундан минг йил кегин буюк математик Эюлер XVIII асрда географияга оид хариталар тузиш назариясига тадбиқ қилди ва “Катта географик харита” ни тузишда ишлатди⁵⁶.

Бундан кўринадики, Аҳмад Фарғоний бажарган илмий тадқиқот натижалари қайси фан соҳасида бўлмасин ғоятда пишиқ, пухта ва энг асосийси мукамаллиги билан ажиралиб турган. Шу ўринда Фарғоний замондошларидан Шарқнинг буюк мутафаккири “ал-муаллим ас-соний” “иккинчи муаллим” - “Шарқ Аристотели” деган унвон соҳиби Абу Наср ибн Ўзлуғ Ибн Тархон ал-Форобийдир.

⁵⁴ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи.-Т.: “Шарқ” 2010, 220 бет.

⁵⁵ Қаюмов А. Аҳмад ал-Фарғоний.-Т.: “Фан” 1990, 36-бет.

⁵⁶ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Кўрсатилган асар, 226-бет.

Абу Наср Форобий ҳижрий 260 (милодий 873) йилда Арис дарёси Сирдарёга куйиладиган жойда Шош-ҳозирги Тошкентдан қариб 200-260 км шимолий–ғарбда жойлашган Форб (Ўтрор) деган жойда туғилган. Аллома дастлаб Фаробда ўқиган сўнгра Шовда бўлган, Бухоро ва Самарқандда таълим олган. Араб халифалигининг маркази Бағдодда ўқишни давом этирган, умрининг охириги йилларида Ҳалабда, сўнгра Дамашқда яшаган ва шу ерда 950 йили вафот этган.

Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қариб барча соҳаларини ўз ичига олувчи 160 дан ортиқ рисола яратган. Унинг илмий изланишлари аввало илимнинг назарий асосларига ва фалсафий масалаларига тааллуқли эди. Жумладан, Форобий ўзининг кўп қиррали ижоди билан инсон билимлари ривожига улкан ҳисса қўшган. У риёзиёт, фалакиёт, табобат, мусиқа, фалсафа, тилшунослик ва адабиётга оид асарлар, рисолалар ёзган. Алломанинг асарлари ҳозирга қадар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ўрганилиб таржима қилинмоқда.

Форобий ўзи шуғулланган илмнинг ҳар бир соҳасида ақл принципларига ва нарсаларнинг объектив муносабатларига мувофиқ келувчи ҳақиқий аҳволини аниқлашга интиланган. Шу маънода унинг “Инсон танаси аъзолари ҳақидаги” рисоласи катта аҳамиятга эга. Ушбу асар тиббиёт илмининг мақсад ва вазифаларини аниқлашда машҳур “Тиб қонунлари”нинг муаллифи Абу Али ибн Синонинг бевосита ўтмишдоши бўлганлигини тасдиқлайди. Аллома организм билан муҳитнинг ўзаро алоқасига, инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ташқи омиллари, атроф муҳит таъсирига боғлиқлигига алоҳида этибор берган.

“Астрологиянинг тўғри ва нотўғри қоидалари ҳақида” деган рисоласида олим астрологларнинг руҳий ва ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни осмоний жисмлар ҳақидаги илмий таҳминларга асосланган фаолиятларини ёлғон тасаввурлар ва уйдурмалардан фарқлаш зарурлигини таъкидлайди.

Форобий кўп жилдли “Мусиқа ҳақида катта китоб” билан Ўрта асрнинг йирик мусиқашуноси сифатида майдонга чиқади. У субстанциянинг хусусияти бўлган товушлар пайдо бўлишининг фақат табиий-илмий таърифини бериб қолмасдан, балки мусиқавий куйлар гармонияси вужудга келишининг математик принципларини очиб беради.

Бинобарин, Ўрта аср фан тараққиётида алломанинг илимлар таснифи муҳим роль ўйнаган. “Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида”, “Илмларнинг таснифи ҳақида” ўша даврда

маълум бўлган 30 яқин илм соҳасинининг тартиби, характерискаси ва тавсилотини берган⁵⁷.

Чунончи, Форобийнинг илм-фан йўлида олиб борган ишлари таҳсинга сазовор бўлган.

“Абу Наср Форобийнинг “Иҳсо ал-улум ва ат-таъриф” (“Илимлар саноғи ва уларнинг таърифлари”) кутлуғ китоби бор,- дейди Ибн ал-Қифтий. Зеро бундай асарни ёзишда шу пайтгача Абу Насрдан ҳеч ким ўзиб кетолмаган, ҳатто бу хил фикр-мулоҳазаларни унгача ҳеч ким айта олмаган, у киши эришган даражага эриша олмаган ҳам, биронта ҳам толиби илм йўқки, у тутган тўғри йўлдан фойдаланмаган бўлсин”⁵⁸.

Ушбу алломага берилган тарифдан ҳам билиш мумкинки, IX-XII асрлардаги Шарқ ўйғониш даври илму-фан ривожини тараққиётида Абу Наср Форобийнинг ўрни катта бўлган.

Бинобарин, Хоразмда X аср охри – XI аср бошларида фаолият кўрсатган Хоразм Маъмун академияси илмий муҳитида ҳам Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий сингари мутафаккир олимларнинг илмий меросларидан кенг фойдаланилган. Ўз навбатида Маъмунийлар давлати (992-1017) тарихи билан бевосита боғлиқ бўлган ушбу академияда кўплаб мутафаккир олимлар илмий ижод қилганлар.

Жумладан, ўз даврида сиёсий, иқтисодий, ҳарбий қудратга эга бўлган хоразмшоҳлар давлати мамлакатни бирлаштириш, унда тартиб ўрнатиш бўйича тадбирларни бошлаб юборган. Кун тартибида эса давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини олиб боришда мафкуравий масалаларни хал этиш турган. Айнан шунинг учун ҳам Али ибн Маъмун (997-1010) доно ва зукко маслаҳатчиларга мухтож бўлган. Унинг бахтига тоғаси, Абу Наср ибн Ироқ ўз даврининг ўта билимдон олими бўлган. 1004 йилнинг бошида Ироқ таклифи билан Абу Райҳон Беруний (973-1048) Гурганжга қайтиб келган, Маъмун саройида илм ахли учун яхши шароит яратиб берилган. Чунончи, бу икки шахс Яқин ва Ўрта Шарқдаги кўплаб олимлар билан шахсий ёзишмада бўлганлар. Уларнинг таклифи билан Нишопур, Балх, Бухор ва ҳатто араб Ироқидан кўплаб олимлар Гурганжга келганлар.

Шу тариқа 1004 бошлаб Гурганжда “Дорул ҳикма ва маориф” (баъзи бир манбаларда “Мажлиси уламо”) номини олган илмий муассаса тўла шаклланди.⁵⁹ Бинобарин, ушбу илмий муассасада Афинадаги “Платон”, Бағдоддаги “Байт-ул-ҳикмат” академияси

⁵⁷ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: “Абдулла Қодирий” 1993. 4-6-бетлар.

⁵⁸ Абу Наср Форобий. Кўрсатилган асар. 11-бет.

⁵⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-том. – Т.: “Давлат илмий нашриёти” 2005, 480-бет.

фаолиятига ўхшаб илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилган жуда кўп манбалар тўпланган, таржимонлик ишлари бажарилган. Ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари ўрганилган. Жумладан, ушбу муассасада Ал-Хоразмий, Ал-Фарғонийларнинг ўлмас асарлари, илмий ишларидан фойдаланилган ва тадқиқ қилинган. Илмий муассаса 18 асрдан бошлаб то бугинги кунгача олимлар томонидан ҳар тамонлама ўрганилиб, ушбу даргоҳ ўз даврининг академияси бўлганлиги исботланган ва унга “Маъмун академияси” номи берилган.

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда (2006 йил, 2 ноябрь) нутқ сўзлаган Президент Ислам Каримов академияда ижод этган мутафаккир алломаларнинг фаолиятларига қуйидагича тариф берган: “Хоразм Маъмун академиясида Шарқ ва Ғарбдаги кўплаб ўлкалардан келган, турли миллат ва динга мансуб бўлган олимлар фаолият кўрсатган бўлса-да, унинг негизини Абу Наср ибн Ироқ, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино, Маҳмуд Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад ибн Ҳамид Найсабурий каби мана шу минтақада туғилиб, камол топган етук алломалар ташкил этгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди”.⁶⁰

Дарҳақиқат, Хоразм Маъмун академиясида ўз илмий ижодларини олиб борган алломаларнинг ҳар бири улкан истеъдод эгалари бўлган. Бинобарин, академиянинг асосини қуйидаги олимлар ташкил этган Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ ал-Жаъдий (X аср - 1034), Абулхайр ибн Ҳаммор (941-1048), Абу Саҳил Исо ибн Яҳё (970-1011), Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973-1048), Абу Али ал-Ҳусайин ибн Абдуллоҳ ибн Сино, Абу Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Мискавайих (1030 й в.э.), Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Соалибий ан-Найсабурий (961-1038), Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳрий (1015 й.в.э.), Абу Али ал-Ҳасан ибн Хорис ал-Хубубий ал-Хоразмий (10-11 асрлар), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Хоразмий (10-11 асрлар) ҳамда шулар қатори кўплаб олиму фузалолар ижод қилганлар.

Хоразм Маъмун академияси олимлари Юнонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон илм-фан ютуқларини ижодий, танқидий ўрганиб, уни янада юксак босқичларга кўтарганлар. Академия аъзоларининг аксарият қисми олим сифатида Марказий Осиёда шаклланганлар. Ўз навбатида уларнинг олиб борган илмий фаолияти яратган асарлари асносида Қадимги Хоразм бадиий санъати, адабиёти, астронимияси, математикаси,

⁶⁰ Каримов И.А. Жамяятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёти даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15 жилд.- Т.: “Ўзбекистон” 2007, 86-бет.

суғориш маданияти ютуқлари жаҳон тамаддуни ҳазинасига кирган ва бутун инсоният манфаатларига хизмат қила бошлаган.

Жумладан, Абу Наср ибн Ироқ астрономияга доир илмий асарлари туфайли “Батлимуси соний” (“Иккинчи Птолемей”) деган фахрий ном олган бўлса, Абулхайр ибн Ҳаммор мантиқ, фалсафадан ташқари табобатда ҳам жуда машҳур бўлганлиги учун “Букроти соний” (“Иккинчи Гиппократ”) лақабига сазовор бўлган.⁶¹

Ўз навбатида академия раҳбари Абу Райхон Беруний (973-1048) фаннинг деярли ҳамма соҳалари билан шуғулланган. Аллома замондошлари ибораси билан айтганда, “қўли ҳеч қачон ёзишдан тўхтамаган, нигоҳи муттасил кузатиш билан банд бўлган, қалби эса фикрлашга мудом қаноат боғлаб турган.” Араб сайёҳи Ёқут Ҳаммавий Марв масжиди вакифномасида Берунийнинг китоблари номи ёзилган вароқли рўйхатни кўрганлигини эслатади. Ҳозирча олимнинг бизга маълум бўлгани 154 номдаги асарлари бўлиб, булар география, астрономия, тарих, геология, гидрогеология, геодезия, минералогия, физика, кимё, ботаника, фармакалогия каби соҳаларга алоқадордир. Бироқ ана шу асарлардан бизгача етиб келгани 30 та холос. Булардан “Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Геодезия” каби йирик асарлар олимга том маънода жаҳоншумул шухрат ва обро келтирди. Беруний кишилик тарихида илк бор ернинг думалоқ шаклда эканлигини аниқлади ҳамда глобусни яратди. Ўша пайтда эндигина 21 баҳорни қаршилаган улуғ аллома Америка қитъаси мавжудлигини европалик олимлардан тахминан 450 йил олдин айтиб ўтган⁶². Аллома Ўрта Осиёда биринчи бўлиб, тиббиётга оид “Китоб ас-Сайдана фит-тиб” (“Табобатда доришунослик китоби”) асарини ёзган. Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида қадимги халқлар (юнонлар, эронийлар, суғдийлар, хоразмийлар ҳамда бошқа халқлар) нинг йил ҳисоблари, байрамлари ва машҳур кунлари, урф-одатларига оид қимматли маълумотлар тўплаган.

Хоразм Маъмун академиясининг яна бир машҳур қомусий олими Ибн Сино (980-1037) жаҳон илму фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Хусусан, унинг “Тиб қонунлари” асари бутун дунёга машҳур бўлган. Ушбу асарни аллома беш китобга бўлган. Хоразмда Ибн Сино асосан, математика ва астрономия билан шуғулланган. Бинобарин, олимнинг Аристотель таълимоти хусусида Беруний билан ва ўзининг шогирди Бахманёр билан ёзишмалари тарихда машҳурдир. Ушбу ёзишмалар савол-жавоб тарзида бўлиб, унда Беруний ва Ибн Сино фазо, иссиқликнинг тарқалиши, жисмларнинг иссиқдан кенгайиши, нурнинг акс этиши ва синиш каби масалаларда илмий мунозара олиб борганлар. Ибн

⁶¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-том. – Т.: “Давлат илмий нашриёти” 2005, 480-бет.

⁶² Қаюмов А. Абу Райхон Беруний. Абу Али ибн Сино. - Т.: “Ёш гвардия” нашриёти, 1987, 3-бет.

Сино хоразмшоҳлар вазири Абул Ҳусайин ас-Сахлий билан дўслашиб, унга атаб алкимёга оид “Рисола ал-иксир” (“Иксир ҳақида рисола”) асарини ёзган.⁶³

Буюк қомусий олимдан бизга жуда катта илмий мерос қолган бўлиб, турли манбаларда улуғ мутафаккирнинг фалсафа, мантик, рухшунослик, адабиётшунослик, шеърият, мусиқа, геология, минералогия, физика, математика, тиббиёт, фалакиёт ва фаннинг бошқа соҳаларига оид 450 дан ортиқ илмий асарлари қайт этилади. Бирок бизгача Ибн Синонинг фақат 242 та асари етиб келган. Шундан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга, 43 таси табобатга, 19 мантиққа, 26 таси рухшуносликка, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси фалакиётга, 1 таси риёзиётга, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси одоб илмига, 4 таси адабиётга, 8 таси бошқа олимлар билан бўлган ёзишмаларга тегишлидир.⁶⁴

Алломанинг илму фан йўлида олиб борган изланишлари, айниқса тиб илмидагиси жаҳонда юксак баҳоланган. Шунинг учун бўлса керак мутафаккир қомусий олимга Шарқда “Шайхур-Раис ” ва Ғарбда эса “Авитсена” номи билан.

Хоразм Маъмун академияси олимлари Хоразм табияти, иклими, суғориш тизими, минералогияси, ер ости сувлари, Амударё дельтасининг тарихи, коризлар қуриш орқали тупроқни тозалаш йўллари тадқиқ этишган. Жумладан, академиянинг аъзоларидан Абу Бакр ал-Хоразмий, табиб Абул Фараж ибн Хинду шеъриятда юксак маҳоратга эришганлар. Ўз навбатида Хоразмнинг ўтмиш тарихи, маданияти, динлари, тақвими, байрамлари, урф- одатлари, ёзуви, миллий кадриятлари ҳақидаги қимматли маълумотлар уларнинг олиб борган фаолияти туфайлий бизгача етиб келган. Уларнинг ўзига хос шиори: “Илм-инсонлар хожатини чиқармоқлика хизмат қилади,” дея аталган эди. Хоразм Маъмун академияси олимлари учун илимда аввало қаттиқлик хос бўлган. Аристотель йўл кўйган кўп хатоликлар академия олимлари тамонидан олиб борилган текширишлар давомида тузатилган, қутбдаги давоми тун ва кун масаласи осонлик билан фалакиётни билиш нуқтаи назари билан тушинтириб, ечиб берилган. Берунийнинг қайд этишича, қадимда Хоразм астраномиясида юлдузларнинг жойлашиш тартибини ғарбликлардан кўра яхши билишган.

Хоразмшоҳ Маъмун II саройидаги олимларнинг шухрати ўз даврида узоқ ўлкаларга тарқалган. Бу эса Маҳмуд Ғазнавийнинг ғашига теккан. Ўз навбатида у уюштирган суйиқаст натижасида 1017 йилнинг баҳорида Маъмун II ўлдирилган. Бинобарин, киёвининг ўлимини баҳона қилган Маҳмуд Ғазнавий унинг учун қасос олиш баҳонасида Хоразмга бостириб кирган. Катта қирғин ва талонтарождиклар натижасида Хоразм

⁶³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-том. – Т.: “Давлат илмий нашриёти” 2005, 480-бет.

⁶⁴ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд.-Т.: 1992, 5-бет.

Маъмун академияси фаолиятига чек қўйилиб, бу ерда фаолият олиб борган олимлар мажбуран Ғазнага олиб кетилган.⁶⁵

Ўзининг 15 йиллик илмий фаолияти даврида кўплаб мутафаккир комусий олимларни етказиб берган Хоразм Маъмун академияси доврўғи нуфузи ва улкан салоҳияти билан нафақат минтақамиз, балки бутун дунёда илм-маърифат тараққиётига бекиёс даражада таъсир кўрсатган. Зеро, ушбу академияда фаолият олиб борган олимлар томонидан илму-фаннинг бир эмас балки бир неча йўналишларда илмий изланишлар олиб борилган.

Бинобарин, “Дорул-ҳикма ” алломалари тамонидан яратилган бебаҳо бойликни лотин тили орқали Европа халқларига етказиш учун ўз даврида Ғарб мамлакатларида юзлаб, таржимонлар заҳмат чеккани Хоразм Маъмун академияси нуфузи нафақат ўша олис ўрта асрлар шароитида, бугунги кунда ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлган турли цивилизациялар ўртасида мулоқот ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қандай салмоқли хисса қўшганидан далолат беради.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисидаги фармони (1997 й. 11 ноябрь) Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини, мустаҳкамлаш, минтақамизда фанни янада ривожлантириш ҳамда истедодли ва фидойи олимларни кўллаб қувватлаш, юқори интеллектуал жиҳатини яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантиришда қўйилган муҳим қадам бўлди.

1997 йил ноябрь ойида академиянинг таркибида археология, тарих ва фалсафа, тил ва адабиёт, биология муаммолари бўлимлари ташкил қилиниб, тўққиз илмий мавзу бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Археология, тарих ва фалсафа бўлимининг ходимлари “Хоразмда қадимги ва ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихи”, “Ўзбек давлатининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни”, “Хоразм вилояти археологик ёдгорликларини тадқиқ қилиш” мавзулари бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда. Тил ва адабиёт бўлимида эса “9-13 асрларда Хоразм ёзма адабиёти ва оғзаки эпос”, “9-13 асрлар Хоразм ёдномалари тили” мавзуси бўйича Хоразм ёзма адабиёти ва оғзаки афсоналари ҳамда ривоятлар Авестодаги мифологик қатлам билан қиёсий таҳлил қилиндн. Оғзаки ва ёзма намуналар таҳлили орқали адабий ва бадиий тилларга хос хусусиятлар, уларнинг ўзаро таъсири ўрганилган.

⁶⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-том. – Т.: “Давлат илмий нашриёти” 2005, 481-бет.

Ўз навбатида биология муаммолари бўлимида 4 илмий мавзу “Хоразм воҳаси тупроғи – иқлими шароитида истиқболли, серҳосил, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли кўниктирилган ўсимликлар навларини ўрганиш”, шунинг билан бир қаторда “Хоразм вилояти шароитида экинларни алмашлаб экишнинг биологик асосларини ишлаб чиқиш”, “Қуйи Амударё минтақаси тупроқларининг сув-туз режимини яхшилайдиган коллектор - захкаш тизимларининг иш режимини бошқариш усулларини ишлаб чиқиш” бўйича илмий татқиқотлар амалга оширилди.⁶⁶

Хоразм Маъмун академияси жамоаси тамонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини халқ хўжалиги талаблари асосида шакллантириш, уларни долзарб масалаларни ечишга қаратиш, бюджет маблағларининг самарадорлигини оширишда устивор фундаментал татқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Академияда 2003 йилдан бошлаб 2 фундаментал ҳамда 8 та амалий дастурлар бўйича 58 ходим фаолият олиб бораётган бўлиб, улардан 2 нафари академик, 8 нафар фан докторлари, 24 та фан номзодлари илмий изланишларини амалга ошириб келмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, IX-XII асрлардаги Шарқ уйғониш даври мутафаккир алломаларининг фаннинг турли соҳаларида олиб борган илмий изланишлари нафақат минтақамизнинг илму-фан ривожига балки, бутун жаҳон илм-фан ривожига ўз таъсирини кўрсатди.

Жумладан, Шарқ реннесанси даври алломаларининг география, гиодезия, фалсафа, астраномия, тиббиёт, метиралогия, миниралогя, табиатшунослик, тарих сингари фаннинг кўплаб тармоқларида ўзларининг илмий изланишларини олиб борганлар.

Шарқнинг мутафаккир алломалари томонидан яратилган нодир қўлёзма асарлар кўп асрлар давомида Европа университетларида асосий дарслик сифатида қўлланилганинг ўзи кўп нарсани англатади.

Бинобарин илму-фан инсон онги ва тафақурини ўстириш билан бир қаторда унинг қалбини ўйғоқ, юксак маънавиятли баркамол шахс сифатида вояга етказди.

⁶⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-том. – Т.: “Давлат илмий нашриёти” 2005, 481-бет.

2.2. Шарқ мутафаккирлари асарларида ижтимоий–сиёсий, диний таълимотларнинг маънавий, тарбиявий аҳамияти.

Бугунги кунда, жаҳоннинг баъзи бир ривожланган мамлакатлари томонидан неофашизм, айримачилик, диний экстремизм, демократик экспансия сингари террористик ғоялар илгари сурилмоқда. Улар ўзларининг бузғинчи ғоялари билан инсонлар онги ва тафаккурини чалғитишга, уларни эзгу мақсадларидан қайтаришга, ўз юрти, Ватани тараққиётига раҳна солиши учун турли хил хийла ва найрангларни ўйлаб топмоқдалар.

Бундай бузғунчи хатти-ҳаракатларнинг инсонлар онгини заҳарлашини олдини олишда, аввало Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари асарларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий, диний, тарбиявий аҳамиятига эътиборни қаратиш лозим. Зеро, ота-боболаримиз асрлар давомида ўқиб амал қилиб келаётган муқаддас динимиздан ўзларининг разил ниятларида фойдаланишларига йўл қўймаслик керак. Бу борада Президент Ислам Каримов ўзининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида қуйидагича таъриф берган: “Маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир мезон-муқаддас динимиздир. Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келинаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр шавқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади.⁶⁷”

Дарҳақиқат, ўзининг кўп минг йиллик давлатчилик тарихи маданияти, урф-одат ва анъанасига эга бўлган ушбу диёрда ҳам диний, ҳам дунёвий таълим чуқур ўрганилган. Бинобарин, IX-XII асрларда ҳам минтақа ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида диннинг ўзига хос ўрни бўлган.

Жумладан, буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини раванк топишига қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритилганда, энг аввало, “муҳаддислар султони” деган шухратга эга бўлган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз.

⁶⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Иккинчи нашр.-Т.: “Маънавият” 2010, 36-бет.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал-Муғира ал-Бухорий ал-Жубфий хижрий 194-йил шаввол ойининг 13-куни, ҳозирги ҳисобда 810-йил 20-июлида Бухорода таваллуд топган. Ўн ёшга етмасдан илми ҳадисларни ўрганишга киришган Бухорий 11 ёшида баъзи устозларининг ҳатоларини топа бошлаган. Ўн олти ёшга етганда 825-826-йилларда оналари ҳамда акаси билан ҳаж сафарига равона бўладилар. Макка ва Мадинани зиёрат қилиб, олти йил Хижозда ҳадис илмини илмини астойдил ўрганеди. Шундан сўнг имом Бухорий Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларини янада чуқурроқ ўрганиш ва уларни тўплаб тартибга солмоқ ниятида ўша даврда ислом фани оламининг йирик марказлари бўлмиш Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби шаҳарларни кезиб чиқади. Бу ерларда у ҳадис илми билан бир қаторда фикҳдан ҳам таълим ва сабоқлар олади, йирик олимлар ўртасидаги баҳс-мунозараларда қатнашади ва илми толибларга дарс ҳам беради. Нишопурлик ал-Ҳакимнинг (1025-йилда вафот этган) маълумотларига қараганда, имом Бухорий устозларининг сони 90 киши атрофида бўлган. Аини замонда ўзлари ҳам “Минглаб шогирдлар етиштирганлар. Муслим ибн Ҳажжож, Исо ат-Термизий, Ан-Насорий, Абу Зуръа, Юсуф ал-Фаробий, Абу Бакир ибн Хузайма каби машҳур муҳаддислар шулар жумласидандир”⁶⁸.

Имом Бухорий жами 600 минг ҳадисларни тўплаганлар. Шулардан 100 минг “саҳиҳ” ҳадисларни ва 200 минг “ғайрий саҳиҳ” ҳадисларни ёддан билганлар. Ҳадис илми бобида у кишига тенг келадигани бўлмаган. Имом Бухорий хориждан юртига қайтгач, ҳадис илмини тарғиб қилишга киришади.

Имом Бухоридан улкан ва бой илмий мерос қолган. У ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Алломанинг “Ал-адаб ал-Муфрад”, “Ат-Тарих ас-Сақир”, “Ат-Тарих ал-Кабийр”, “Китоб ал-Илал”, “Асоми ус-Саҳоба”, “Китоб ал-Куна” ва бошқа асарлари орасида шох асар ҳисобланмиш “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишонарли тўплам”) асари тўрт жилддан иборат бўлиб, ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадислар тўпламлари орасида энг ишонарлиси ва мукаммалидир. Унда Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларидан ташқари фикҳ, ислом маросимчилиги, ахлоқ-оодоб, таълим-тарбия ҳамда ўша давр тарихи ва этнографиясига оид қимматли фикр ва хулосалар ҳам бор. Бу тўпламга олимнинг бутун умри давомида тўплаган 600 минг ҳадисдан фақат 7275 та энг “саҳиҳ” ҳадислар кирган. Ушбу нодир асарнинг ёзилганлигига тахминан 1200 йил бўлди. Ўз навбатида ушбу асар ўша даврдан то шу кунга қадар у ислом таълимотида Қуръони

⁶⁸Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис, 1-жилд. Ал-Жоми ас-саҳиҳ. Т.; 1991, 5-бет.

Каримдан кейинги иккинчи ўринда турувчи муқаддас китоб, қимматли манба асари хисобланади⁶⁹.

Бинобарин имом Бухорий қолдириб кетган бой маънавий мерос авлодларимизни бундан кейин ҳам улуғ инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашдек олийжаноб мақсад йўлида хизмат қилаверади.

Яна бир улуғ мутафаккир аллома Абу Исо Муҳаммад Ат-Термизий (824-894) ислом дунёсида ном қозонган буюк муҳаддис олимлардан биридир. У Термиз шаҳри яқинидаги Буғ (ҳозирги Сурхандарё вилоятининг Шеробод тумани) қишлоғида таваллуд топган. Ёшлигидан илм-фанга ғоятда чанқоқ бўлган ат-Термизий Термиз, Самарқанд, Марв ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида яшаб, ижод қилган, муҳаддис олимларнинг асарларини зўр қизиқиш ва ҳавас билан ўрганади, буюк ҳадисшунос алломалар билан учрашади, улар билан ижодий бахс-мунозараларда қатнашади.⁷⁰

Муҳаддис олимнинг маънавий мероси ҳақида Президент Ислам Каримов қуйдагича таъриф берган: “Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, “Суннаи Термизий” асари ҳам мусулмон оламида ана шундай юксак қадрланади. Алломанинг асрлар давомида олуғму фузалоларга дастур бўлиб инсоф ва адолат, инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши билан эътиборга моликдир.”⁷¹

Ушбу таърифдан ҳам кўриш мумкинки, олимнинг асарларида асосий эътибор инсонларда оқу-қорани ажиратиш, фарзанднинг ота-она олдида, ота-онани эса фарзанд олдида турган зималаридаги масъулияти, айниқса инсонлар ўртасида инсоф, диёнат одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик ғоялари илгари сурилган.

Бинобарин, улуғ муҳаддис олим ат-Термизийдан катта илмий-маънавий мерос қолган. Олимнинг ўндан ортиқ асари бор: “Ал Жоми ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Аш-Шамойил ан-набавия” (“Пайғамбарларнинг алоҳида фазилатлари”) ва бошқалар, шулар жумласидандир. Жумладан, ат-Термизийнинг камолотида Исмоил Бухорийнинг ўрни бебаҳодир. Айни пайтда ал-Бухорий ат-Термизийнинг билими ва қобилиятини юқори баҳолаган. “Мен сендан кўрган фойда сен мендан кўрган фойдадан ортиқроқдир”, деб

⁶⁹ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи.-Т.: “Шарқ” 2010, 262-бет.

⁷⁰ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Кўрсатилган асар, 263-бет.

⁷¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Иккинчи нашр.-Т.: “Маънавият” 2010, 38-бет.

таъкидлаган. Ўз навбатида ат-Термизий ҳам ўз устози ва сафдоши Имом Бухорийга доимо садоқат намунасини кўрсатган. Бу ҳақида араб тарихчиси Шамсуддин аз-Захабий (1274-1347) ўзининг “Тазкират ул-хуффоъ” (“Хофизлар ҳақида таскира”) асарида қуйдагича гувоҳлик беради: “Ат-Термизий ўз устозининг вафоти туфайли каттиқ қайғу-аламга ботиб, кўп йиғлаганидан, ҳатто кўзлари кўр бўлиб қолди, узоқ йиллар кўзи ожиз ҳолда яшади”.

Бинобарин, ат-Термизий жуда кўп шогирдларига меҳр-мурувват кўрсатиб устозлик ҳам қилганлар. У киши мисли йўқ даражада кучли зеҳин эгаси, хотира ва ёдлаш қобилияти кучли бир инсон бўлган.

Имом ат-Термизий 894 йилда 70 ёшида Термизда вафот этган. Буюк олим, муҳаддис илмининг билимдонларидан бири бўлган имом ат-Термизий илмий илмий мероси билан бундан кейин ҳам халқимизнинг маънавиятини бойитиш йўлида хизмат қилаверади.

Чунончи, IX-XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий сингари кўплаб ислом маданиятининг равнақ топишига хисса қўшган мутафаккир алломалар етишиб чиқан. Жумладан, ўрта асрлардаги ғоят тахликали бир вазиятда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, авлодларга ибрат бўладиган маънавий жасорат намунасини кўрсатиб, ислом оламида “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” деган юксак шарафга сазовор бўлган, мелодий 870 йили таваллуд топган бобокалонимиз Имом Мотурудийдир.

Президентимиз Ислам Каримов ўзларининг “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида мотурудия мактабини қуйдагича таърифлайди; “Ул зот асос солган мотуридия мактаби Шарқ мамлакатларида бундай катта шуҳрат топишининг сабаби шундаки, унда илгари сурилган ғоялар ислом динимизнинг асосини тўғрилиқ, эзгулик ва инсонийликдан иборат деб биладиган жамики мўмин-мусулмонларнинг қараш ва интилишлари билан ҳамоҳанг эди”.⁷²

Ушбу таърифдан ҳам билиш мумкинки, мотурудия таълимотида асосий мезон энг аввало эзгулик, инсонпарварлик бўлган.

Ўзининг беқиёс салоҳияти билан буюк илмий мактаб яратиб, гўзал Фарғона диёрини жаҳонга тараннум этган ислом ҳуқуқшунослигининг яна бир улкан намояндаси Бурхониддин Марғинонийнинг табаррук номини бутун мусулмон дунёси юз йиллар давомида эъзозлаб келади. Бу мўътабар алломанинг Шарқ оламида “Бурхониддин ва

⁷² Каримов И.А. Кўрсатилган асар 39-бет.

милла”, яъни “Дин ва миллатнинг ҳужжати” деган юксак унвонга сазовор бўлгани ҳам буни яқол исботлайди.⁷³

Асли 1123 йилда 23 сентябрда Марғилонда таваллуд топган Бурхониддин Марғинович илмий баркамолликка Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларидаги илм даргоҳларида мусулмон ҳукуки ханафия мазҳабининг буюк назариётчиси ва амалиётчиси бўлиб етишган. Жумладан, Марғинович мусулмон олами фани эришган барча билимларни эгаллаган, улуғ алломалардан сабоқлар олган, суний шариятининг тўрт асосий мазҳаблари асосчилари ва уларнинг шогирдлари асарларини кунт билан мутолаа қилган. Бу эса алломага фикҳ илми бўйича тенгсиз асарлар ёзиб қолдиришига имконият яратди. Фикҳшунос олимнинг “Бидоят ал-мубтадий” (“Бошловчилар учун даслабки таълим”), “Кифоят ал-мунтаҳий” (“Яқунловчи учун тугал таълим”), “Нашр ул-мазҳаб” (“Мазҳабнинг ёйилиши”), “Китоб ул-мазид” (“Илми зиёда қилувчи китоб”), “Китоб ул-машойих” (“Шайхлар ҳақидаги китоб”) каби буюк асарлар шулар жумласидандир. Алломанинг тенги йўқ ҳисобланмиш асари “Ҳидоя фи фуруъал фикҳ” (“Фикҳ соҳалари бўйича қўлланма”) асаридир. Ушбу асарни олим 1178 йилда Самарқандда ёзган. Бурхониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” китоби тўрт жилддан иборат ва 56 бобни ташкил этади. Бу асар ўзига ҳос шариат кодекси бўлиб, ҳозирги кунда ҳам ислом дунёси қонуншунослари учун асосий қўлланма сифатида хизмат қилади. Унда шариат масалаларида муаллифнинг фикр-хулосалари билан бир қаторда ханафийлар мазҳабининг барча имомлари, шунингдек, бошқа мазҳаб вакиллари мулоҳазалари ҳам ўрин олган. Асарда мулкӣ ва молиявий муносабатларга, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқлари, суд ва процессуал масалалари кенг ўрин олган.⁷⁴

Ўз навбатида “Ҳидоя” китоби жамиятшунос, ҳуқуқшунос, тарихшунос, диншунос ҳамда шариат масалалари билан шуғулланувчи барча китобхонлар учун бебаҳо манбадир. Бу асар ҳозирда Ўрта Осиё, Россия, Кавказ мусулмонлари орасида ҳам кенг тарқалган ва ислом мадрасаларида фикҳ илми бўйича асосий ўқув қўлланма бўлиб келмоқда.

IX-XII асрларда Мовароуннахр ва Хоразмда ижтимоӣ-сиёсий, маънавий турмиш тарзи, ҳамда давлат бошқаруви, фозил жамиятга доир таълимотлари ва қарашлари билан, Шарқ мутафаккирлари кўплаб асарлар яратганлар.

Жумладан, адолатли жамият барпо этиш, фуқаролик жамияти унсурларининг шаклланишига доир улкан илмӣ мерос қолдирган буюк мутафаккирлардан энг машҳури Абу Наср Форобийдир (873-950йй.). Унинг фикрича мукамал жамият ҳар бир табақа,

⁷³ Каримов И.А. Кўрсатилган асар, 40-бет.

⁷⁴ Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи.-Т.: “Шарқ” 2010, 258-бет.

яхлит ижтимоий организмнинг ажралмас қисми сифатида, ўзининг муайян функцияларига эга бўлиб, гўёки шу вазифаларни бажариш учун ихтисослашганлар. Бинобарин, фозиллар жамиятининг адолатли бўлишида ва табақалар ўртасидаги тавофутларнинг сақланишида адолат ҳуқуқий катигория вазифасини бажаради. Ана шу жиҳатдан ёндашганда, Форобийнинг адолат ғоясига нисбатан ишлатган таърифлари Платон талқинларига яқиндир⁷⁵.

Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида орзу қилган фозил ва адолатли жамоанинг жоҳил жамоалардан фарқи шундаки, унда одамлар энг гўзал ва яхши мақсадларга ҳамда умумий манфатларга эришиш йўлида бир-бирларига яқиндан ёрдам берадилар. Кўриниб турибдики, Форобий фозил жамоа қуриш учун инсонларнинг маънавий юксалиши, фуқаровий фазилатларга эга бўлиши талабларини илгари суради.

XI асрда яшаб ижод этган, адолатли ҳукмдор ғояларини илгари сурган олим ва вазир Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулк (1018-1092) Шарқ тарихи ва маданиятида ўзининг 1091 йилда ёзилган “Сиёсатнома” (ёки “Сияр ул-мулк”) асари билан ўчмас из қолдирган.

Ушбу рисоланинг ёзилишида салжуқий ҳукмдор Маликшоҳ ўз ҳукмдорлиги даврида саройнинг фозил ва олимларига давлатни бошқариш қоидалари, тартиботи ва усуллари ҳақида бир рисола ёзиб, унда ўтган шоҳлар тарихи ва ҳаётий тажрибасидан мисоллар келтиришларини буюради. Ушбу рисола аввалам бор давлат бошқарув ишларида дастур вазифасини бажариши кераклигини таъкидлаган. Ўзига хос ушбу ижодий беллашувда Низомулмулк ҳам иштирок этади. Натижада 1091 йили Низомулмулк ёзган 39 бобдан иборат “Сиёсатнома” ёки “Сияр ул-мулк” (“Подшоҳлар турмуши”) номли асар шоҳга манзур бўлади. Низомулмулк асарни қайта ишлаб, янги боб ва қисимлар билан бойитади.

Ушбу асарни олимлар салжуқийларнинг сиёсий дастури сифатида баҳолаганлар. Асарнинг асосий ғоялари ҳам шундан иборатки, вазир Низомулмулк шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулуҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок халол ва имонлий бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват этади.

Жумладан, подшоҳнинг мазлумларни қабул қилиши, одил ва яхши хулқли бўлиши ҳақида Низомулмулк ўз асарида қуйидагича ёзган: “Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм

⁷⁵ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. Т.: “Ўзбекистон” 2010, 20-бет.

кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Муҳим бўлган аризаларини қабул қилиб, ҳар бирига жавоб бериши лозим. Агарда “подшоҳ додхоҳларни олдига чақириб, ҳафтада икки мартаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради”, деган хабар мамлакатга тарқалса, унда золимлар қилмишларининг оқибатини ўйлаб, кўрқиб бедодлик қилмайдилар”⁷⁶.

Муаллиф Сомонийлар ҳукмдори Исмоил ҳақида мисол келтириб шундай ёзади: “Исмоилда шундай одат бор экан: қатик совуқли кунларда, қор ёки ёмғир ёқса ҳам ёлғиз ўзи майдонга чиқиб, пешин намози вақтигача отга миниб турар экан ва айтарканки, бирор мазлум киши ҳожати бўлиб саройга келсаю, турар жойи бўлмаса, қор ва совуқда бизни ичкарида кўрса, биз билан кўришиши қийин бўлади. Биз кутиб турганимизни кўрса, келиб ишини ҳал қилиб, саломат қайтади”⁷⁷. Ушбу сўзлар орқали мамлакатни бошқариб турган подшоҳлар доимо хушёр, зийрак ва огоҳ бўлиш билан бир қаторда, хаммани тенг кўрувчи, ўзининг манфаатини эмас, аксинча, раъият манфаатини ўйлашлиги ҳақида ёзади.

“Темур тузуклари” асарида улуғ вазир ва давлат арбоби Низомулмулк амаллари ҳурмат-эҳтиром билан эсланиб, жумладан, шундай дейилади: “Масалан, Маликшоҳ Салжуқий ўз вазири Низомулмулкни мартабасидан туширди. Вазир бошдан оёқ яхши сифатларга ўралган эди. Унинг ўрнига зоти паст, ёмон бир киши вазир қилиб тайинланади. Бу шумқадам вазирнинг қабих ишлари, зулм ситами ва нафси бузуклиги касофатидан салтанат биноти бузила бошлади”. Низомулмулкни давлатни бошқариш ишларида ибрат қилиб кўрсатиб, унинг фазилатларига таъриф берилади: “Эшитишимча, Низомулмулкнинг озгина ёмон қилмишларини кўплаб хайрли ишлари мағлуб этган эди. У ҳажга бормоқчи бўлиб турган вақтида авлиёлардан бири унга дебди: “Маликшоҳ давлатининг хизматида бўлиб, амалга ошираётган хайрли ишларинг ва Тангри таолонинг бандаларига етказиб турган ёрдамнинг ҳаж қилиш билан баробардир”⁷⁸.

“Темур тузуклари”да келтирилган таърифдан ҳам шуни билиш мумкинки, Низомулмулк ўзининг вазирлиги вақтида давлат бошқарувида раъият манфаатига эътиборни қаратган. Қарийб 30 йил вазирлик қилиб, салжуқий ҳукмдорларга ҳалол меҳнат қилган Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асари ўзининг ижтимоий-сиёсий, тарихи, маънавий, таърибвий аҳамияти билан жаҳон адабиётида деярли минг йилдан бери яшаб келмоқда.

⁷⁶ Низомулмулк. Сиёсатнома, (Сияр ул-мулк), -Т.: “Янги аср авлоди”, 2010, 20-бет.

⁷⁷ Қаранг.: Ўша жойда. 29-бет.

⁷⁸ Темур тузуклари –Т.: Ўзбекистон наширёти., 2011, 108-бет.

Ўз навбатида жамият ҳаётининг жиҳатлари учун ибрат ва намуна бўладиган воқеяларни хикоя қилувчи “Сиёсатнома” асари муаллифи жамият аъзоларини садоқат, ҳаққоният, адолат йўлида қойим турмоққа ундайди, ақл ва жасорат билан иш тутмоқ йўлларини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта аср Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг ижтимоий-сиёсий, дунёвий ва диний, маънавий соҳаларда олиб борган изланишлари ҳамда таълимотлари, ёзиб қолдирган бой адабий меросларининг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир. Чунончи, уларнинг асарларида энг аввало инсонпарварлик, меҳр-оқибат, адолатли давлат бошқаруви, ислом маданиятининг равнақи ғоялари илгари сурилган. Ўз навбатида ушбу ғояларнинг маънавий, тарбиявий аҳамияти беқиёсдир.

2.3. Ёшлар миллий маънавиятни шакллантиришда тарихий онг ва хотиранинг ўрни.

Бугунги кунда тобора ривожланиб, инсоният онги ва қалбига кириб бораётган оммавий маданият ўзининг ижобий таъсири билан бир қаторда салбий таъсирини ҳам намоён этмоқда. Бинобарин, глобал аҳамият касб этаётган ушбу жараён мамлакатларнинг миллий чегараларини ювилиб кетишига, уларнинг тарихи, миллий маданияти ва кадриятларининг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. Зеро, “оммавийлашиш” ёшларга хос одатлардан бўлиб, бу жараён уларнинг руҳияти ва дунёқарашига тез сингади, чунки ёмон одатлар ҳамма вақт юқумли бўлган. Уларни юқтирмаслик учун эса кучли мафкуравий иммунитет даркор бўлади. Бундай иммунитетни ҳосил қилишда энг аввалло тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш долзарб масала бўлиб, бу борада Президентимиз И. А. Каримовнинг ушбу таърифини таъкидлаш мақсадга мувофиқ: “Тарихий хотирасиз - келажак йўқ. Ўтганларни хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Агар миллат ўзининг келажagini порлоқ кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси уйғоқ бўлмоғи шарт. Боиси ҳар қандай халқ ва миллат кечаги ҳаётидан ўзининг, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунларидан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи лозим.”⁷⁹

Ўрта асрлардаги Шарқнинг буюк мутафаккирлари ал-Киндий, Закариё ар-Розий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Фахриддин Розий, Жалолиддин Давоний, Абу Али ибн Сино ва бошқа кўплаб мутафаккирлар фаннинг турли тармоқларига, шу жумладан, “онг” тушунчасининг мазмунини, матқрия билан онгнинг нисбатини хиссийлик ва рационалликнинг нисбатини тушунишга, маънавият элементларини ривожлантиришга, билиш назариясига ўз даврлари фани ривожланиши даражасида келиб чиққан ҳолда катта ҳисса қўшдилар.

Илк Шарқ уйғониш даврининг қомусий алломаси Абу Райхон Беруний (973-1048) ўз асарларида онг ва ақл масалаларига катта эътибор берган. У одам мияси ва беш хиссий органини ўзаро боғланган, деб ҳисоблаб, уларга катта аҳамият берган. Беруний фикрича, ҳар бир туйғу муайян кўзғатувчилар турига муносабат билдиришга мўлжалланган. “Кўришни кўзғатувчи ёруғликдир... Эшитишни кўзғатувчи товуш бўлиб, уни ҳаво унга етказди... Ҳид билишнинг кўзғатувчиси ҳид бўлиб, уни бурунга ҳаво олиб боради... Таъм билиш хиссини кўзғатувчи (ҳар хил) таъм таомдир. Бешинчи туйғу сезги бўлиб бутун танани қамраб олади. У барча аъзолар ва органларга хос”, - дейди аллома. Умуман

⁷⁹ Каримов И. А. “Хотира боқийдир, кадр – муқаддас” (асарлар тўплами) том 15. Т.: “Ўзбекистон” 2007, 98-бет

олганда, Беруний инсон томонидан илмий билимларга эришиш йўлини умумлаштириб: “Бу хиссий идрок қилиш маълумотлардан фойдаланган ақлнинг ютуғидир”, - деб қайд этади.

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб ўзлигимизни англаш, миллий кадриятларимизни тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан кўзланган ягона мақсад эса эртанги кунимизнинг эгалари бўлмиш ёшларни юксак интеллектуал салоҳиятли, баркамол шахс қилиб тарбиялашдир. Ўз навбатида ёшларда ватанпарварлик руhini уйғотиш, энг аввало, уларнинг маънавий дунёсини шакллантириш масалаларининг қанчалик самарали хал этилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ҳозирда ёшларда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш муаммосини ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Ана шу йўлда аждодларимизнинг бой илмий мероси ва тарихий хотираси муҳим аҳамият касб этади. Зеро, аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланиб келинаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужасамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа илм соҳаларига оид бебаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Ана шундай катта қўламдаги бой илмий меросга эга халқ дунёда камдан кам топилади.⁸⁰

Чунончи, ёшларимизни ана шундай бой тарихий тажриба ва аждодлар ўғитлари асосида тарбиялаб, халқимиз менталитетига ёт, бузғунчилик ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи “оммавий маданият” таъсиридан ҳимоя қилмоғимиз ва мустақил фикрли, юксак маънавиятли баркамол шахс қилиб тарбияламоғимиз даркор. Жумладан, баркамол шахснинг яна бир белгиси ватанпарварлик, халқпарварлик бўлиб, шахсда ушбу хусусиятни шакллантиришда ва тарихий хотиранинг ўрни беқиёсдир.

О. Ғайбуллаев фикрича, “ҳозирги замонда яшаётган ёшларнинг онгига Ватанни севиш, умуминсоний ахлоқий-маънавий кадриятларни сингдириш, миллий ўзлигини англантиш; меҳр-шафқатли, виждонли, андишали қилиб тарбиялаш”⁸¹ да миллий онг ва унинг асосий таркибий элементлари бўлган тарихий онг ҳамда тарихий хотиранинг роли улкан бўлиб, улар катта аҳамият касб этади.

Миллатпарварлик ва ватанпарварлик бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тўлдирувчи маънавий фазилатдир. Шунингдек, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий маънавиятни ўстириш жамиятимизнинг энг асосий вазифаси саналиб,

⁸⁰ Каримов И. А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Иккинчи нашр. Т.: “Маънавият” 2010, 31-бет.

⁸¹ Ғайбуллаев О. Ёшлар онгига истиқлол ғоясининг сингдиришнинг ижтимоий моҳияти ҳақида. //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2005. 12-сон, 80-бет.

тарихий қисқа давр ичида ёшлар онгида Ватанга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга содиқлик, маънавиятли, меҳр-шафқатли, виждонли ва андишали қилиб тарбиялашга эришилмоқда. Бу борада кўплаб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, инсонларни шахс сифатида ривожланиш жараёнининг нисбатан эртароқ даври яъни мактабгача бўлган давриданок маънавий-ахлоқий тарбияни ёш авлод онгига сингдиришга катта эътибор қаратилди. Бу эса ўз навбатида ёшларда маънавий ва ахлоқий принципларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Зеро, Президент Ислон Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганларидай “Инсон ўз умри давомида оладиган барча информацияларнинг 70 фоизини 5 ёшгача даврида олар эканю боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди”.⁸²

Дарҳақиқат, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни шакллантиришда илм-фан, хусусан ўрта асрлар бой илмий меросининг ўрни каттадир. Бугунги шиддатли глобал жараёнлар кетаётган бир даврда ёшларда Ватанга муҳаббат, қадриятларга содиқлик, илм-фанга ҳурмат руҳининг шакллантириш жамиятимиз мафқурасининг таянч бўғинларидан биридир. Бинобарин, тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш индивидуал ижтимоийлаштириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлган мураккаб ҳамда давомий жараёндир.

Зеро, ёш авлоднинг таълим ва тарбияси соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятли амалга оширилиб, тарихий онг ва тарихий хотирани, ҳар томонлама уйғун ривожланган, илмий дунёқарашга эга, мустақил фикрловчи, халқимизга ёт таъсирларга берилмайдиган шахсни, Ватанга муҳаббат руҳида тарбияланаётган, Ўзбекистоннинг буюк келажагини унинг бугунги кунига айланттиришга қодир ёшларни шакллантириш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бера бошлады.⁸³

Шунингдек, миллий онг, тарихий онг, тарихий хотира ривожланиши миллий қадриятларни тиклаш, ўрганиш, ҳаётга кенг жорий қилиш билан ҳам боғлиқдир. Миллий ўзликни англаш жараёни чуқурлашишининг асосий шартларидан бири ҳам шудир. Биз ўзбеклар инсониятнинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатган бой маданий мерос, буюк қадриятларнинг эгасимиз. Ота-боболаримиздан қолган улкан моддий ва

⁸² Каримов И. А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Иккинчи нашр. Т.: “Маънавият” 2010, 53-бет.

⁸³ Раҳимов Р., Файзиев Ф. Ёшлар дунёқарашини шаклланишида тарихий онг ва тарихий хотира Т.: “Ўзбекистон” 2008, 69-бет.

маданий меросни бир дарё деб тасаввур этсак, бу борадаги билим ва тасаввурларимиз хозирча ундан бир томчи, холос.

Тарих ўтмишдаги воқеаларнинг оддий баёни эмас, балки катта тарбиявий омил ҳамдир. Тарихий воқеаларни билиш асосида кишиларда ўз халқига нисбатан хурмат, мухаббат туйғулари шаклланади, ёшлар ота-боболарининг қилган ишлари билан фахрланишин ўрганадилар, шу асосида миллий ифтихор сингари етук маънавий фазилятлар шаклланади, миллий онг ўсади, дунёқараш мустаҳкамланади.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида шахс, унинг фаолияти,, қобилияти ва имкониятлари, манфаатлари тобора серқирра бўлиб кўзга ташланмоқда. Лекин бу янги шароитлар ва имкониятлар ҳар бир шахс фақат ўз манфаатлари доирасида қолиб кетиб, бошқалар билан иши бўлмаслиги керак, деган маънони билдирмайди. Шахсий худбинлик ҳам дунёқараш заифлигининг кўринишидир. Агар кишилар ўз мақсадлари қобиғига ўралиб қолиб, уларнинг ҳар бири алоҳида дунё бўлиб қолса, манфаатлар ўртасидаги зиддиятлар ҳам кучайиб кетади. Бундай ҳолда маънавий тубанлашиш бошланади. Жамиятда ижтимоий фалокатлар юз беради, шахсий манфаатлар муаммоси қанчалик тез ва ҳар томонлама хал этилмасин, барибир ҳар бир инсон мавжуд ижтимоий муносабатлар мавжуасига киради. У қанчалик ақилли, тадбиркор, ишбилармон бўлмасин, бутун ҳаётини фаолияти одамлар жамоасидаги, миллат, давлат ҳаётидаги муносабатлардан ташқарида бўлмайди. Бу борадаги боғлиқлик ҳар бир шахсга мўйян бурч ва масъулият талабларига риоя қилиш мажбуриятини ҳам юклайди. Инсонлар муайян жамиятда бирлашиб яшашининг асосий шартларидан бири ҳам миллий ва фуқаролик масъулияти бирлиги ҳисобланади. Масъулиятни сезмай ўз ҳуқуқи учун курашиш ҳам маънавий заифликнинг белгисидир. Бурч, масъулият туйғуси инсон ўз ҳаққи, ҳуқуқини, жамият олдидаги бурчини англашга асосга бўладиган маънавий заминдир. “Чунки, бунга тарих гувоҳ... Бизга берган буюк неъмат – маънавиятга ҳеч қачон ҳиёнат қилмаганмиз, қилмаймиз ҳам.”⁸⁴

Хулоса қилиб айтганда, бугун ёшларни юксак интеллектуал салоҳиятга эга маънавий баркамол шахс бўлиб етишишида миллий маънавий тарбия муҳим эканлигини вақтнинг ўзи исботламоқда. Бинобарин, қайсики жамиятнинг, халқнинг миллий маънавияти, дину диёнати кучли ва мукамал бўлса, ундай жамиятга ҳар қандай бузгунчи ёт ғоялар, экстремистик оқимлар ўзларининг ёвуз қарашлари билан раҳна солломайди. Чунки, ўз тарихи ва ўзилигини англаган, ўзининг миллий маънавияти билан қуролланган жамиятни енгиб бўлмайди.

⁸⁴ Норматов И. Маънавият – бебаҳо бойлик. //Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди. –Т.: Ўзбекистон, 2006, 70-бет.

Ёшларда миллий маънавиятни шакллантиришнинг ўзига хос омиллари мавжуд бўлиб, биринчидан, ёш авлодда ватанпарварлик хиссини шакллантиришда, аввало, қарийб уч минг йиллик кўҳна ва бой тарихга эга бўлган ушбу заминдан не-не давлат арбобларию мутафаккир олимлар етишиб чиққанлигини, улар мана шу замин учун, фаровон ҳаёт учун бор билим ва тажрибаларини, ҳатто ўз жонларини фидо қилганликларини, улар қолдирган моддий ва маънавий мероснинг аҳамияти қанчалик юксак эканлигини англамоқлик керак.

Иккинчидан, ёшларни дунёқараши ва маънавияти шакллантиришда аجدодлар илмий меросининг айниқса, IX-XII ҳамда XIV-XVI асрларда яшаб ижод қилган мутафаккирлар, шоиру олимларнинг жаҳон илм-фан тараққияёти миллий маънавиятимиз ривожига қўшган бебаҳо хиссасини англамоқлик лозим.

Учинчидан, ёшларнинг таълими ва тарбияси соҳасида ўтказилган ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятли бажарилиб, тарихий онг ва тарихий хотирани ҳар томонлама уйғун ривожланган, илмий дунёқарашга эга, мустақил фикрловчи, халқимизга ёт таъсирларга берилмайдиган шахсни, ватанига муҳаббат руҳида тарбияланаётган, Ўзбекистоннинг буюк келажагини унинг бугунги кунига айлантиришга қодир ёшларни шакллантириш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бера бошлади.

ХУЛОСА

Диссертация ишида куйдагича хулоса келинди:

Биринчидан, IX-XII асрларда Ўрта Осиёда ижтимоий, сиёсий, маънавий, мафкуравий муҳит ўзига хос аҳамият касб этди. Ўлкада ислом маданиятининг шаклланиши ўз-ўзидан илм-фан ривожига таъсир кўрсатди. Шарқ оламида буюк мутафаккир алломалар кўплаб етишиб чиқди. Шарқда илм-фаннинг ривожланишида ривожланган ўрта асрларда Мавороуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилган давлатларнинг марказлашган бошқарувга асосланган давлат қуриш учун ҳаракат қилганликлари, шунинг билан бир қаторда ҳукмдорлар ўртасида илм-фанга бўлган қизиқишнинг юқорилиги кўплаб мутафаккир алломаларнинг етишиб чиқишига туртки бўлди.

Ўрта Осиё худудида ҳукмронлик қилган давлатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти деярли бир хил бўлган. Бундай бўлиши ҳам табиий бир хол эди. Чунки, минтақада ҳукмронлик қилган сулолаларнинг номлари ҳар хил бўлгани билан, аҳолининг турмиш даражаси бир хил бўлган. Шунинг учун ҳам минтақада ҳукмронлик қилган сулолаларнинг давлат бошқарувида деярли фарқ бўлмаган.

Иккинчидан, IX-XII асрлардаги Шарқ уйғониш даври мутафаккир алломаларининг фаннинг турли соҳаларида олиб борган илмий изланишлари нафақат минтақамизнинг илму-фан ривожига балки, бутун жаҳон илм-фан ривожига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Жумладан, 2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги Халқаро конференциянинг очилиш маросимида Президент Ислom Каримов сўзлаган нутқида қадимий Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида илму фан ва маърифат ўчоғи, сифатида жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатга интилиб яшаш эса ҳалқимиз менталитетининг ажиралмас қисмига айланиб кетган. Муҳаммад Хоразмий, Абу Райхон Беруний, ғарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк аждодларимиз бутун дунёда ўзларининг математика, астрономия, геодезия, менералогия, фармакология ва тиббиёт соҳаларидаги тенгсиз кашфиётлари билан шуҳрат қозонганлар.⁸⁵

⁸⁵ И. Каримов “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” “Маърифат” газетаси 2012 йил 18-февраль 14-сон, 3-бет.

Учинчидан, бугун биз ижтимоий йўналтирилган, бозор иқтисодиётига асосланган, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб олдик. Бу борада кўплаб ислохатлар амалга оширилди. Ушбу амалга оширилган ислохатлардан энг муҳими, миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билмларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган ёшларни тарбиялашдир.

Тўртинчидан, ҳозирги пайтда ёшларда тарихий онг ва тарихий хотирани, илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда ижтимоий воситалар, методлар ва шакллар ҳам катта роль ўйнамоқдаки, уларга ёшларни таълим ва тарбиянинг барча даражаларида мафкуравий тарбиялаш, оммавий ахборот воситалари: радио, телевидение, газета, журналлар, музейлар, турли ёшлар ташкилотлари, ватанамиз ва жаҳон илм-фани, маданияти, санъати ва спортининг ривожланиши киради.

Мамлакатимиз ёшларида тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг ижтимоий воситалари, шакл ва методлари бўйича чора-тадбирлар мажмуи аввалги йилларда бой берилган миллий кадр-қиммат туйғусини тиклашда, ўзбек давлатчилигининг тарихий сарчашмалари ҳамда унинг қарор топишини билишга юқори даражада қизиқиш уйғотишда, ор-номус, бурч хиссини, виждон, ҳаққонийлик, менталитетимизга ёт мафкураларни қабул қилмаслик ва уларга танқидий муносабатда бўлишни шакллантириш ҳамда ривожлантириш даркор.

Бинобарин, ёшларни юксак интеллектуал салоҳиятга эга маънавий баркамол шахс бўлиб камол топишида, миллий маънавий тарбия муҳим эканлигини вақтнинг ўзи исботламоқда. Шундай экан, қайсики жамиятнинг, халқнинг миллий маънавияти, дину диёнати кучли ва мукамал бўлса, ундай жамиятга ҳар қандай бузғунчи ёт ғоялар, экстремистик оқимлар ўзларининг ёвуз қарашлари билан раҳна сололмайди. Чунки, ўз тарихи ва ўзилигини англаган, ўзининг миллий маънавияти билан қуролланган жамиятни енгиб бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И. А. “Ўзбекистон мустақилликка этишиш остонасида”. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Каримов И. А. «Юксак маънавият – енгилмас куч». Иккинчи китоб. –Т.: «Маънавият», 2010.
3. Каримов И. А. “Хотира боқийдир, кадр – муқаддас” (асарлар тўплами) том 15. Т.: “Ўзбекистон” 2007.
4. Каримов И. А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёти даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15 жилд.- Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
5. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
6. Каримов И. А. Хотира чироғи ўчмайди. //Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

7. Абу Наср Фаробий. “Фозил одамлар шаҳри”. –Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси” нашриёти 1993.
8. Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари”. Т 2 -Т.: “Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти” 1994.
9. Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. –Т.: “Ўзбекистон” 1992.
10. Азамат Зиё “Ўзбек давлатчилиги тарихи”. –Т.: “Шарқ” 2000
11. Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. –Т.: “Ўзбекистон” 1992
12. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис, 1-жилд. Ал-Жоми ас-саҳиҳ. –Т.: 1991
13. Бартольд В.В. Сочинения Т.1, М.: 1963.
14. Ерофеев Н.А. “Что такое история”. М.: 1976.
15. Жалилов С. Бухоро тақдири.-Т.: “Meriyus”, 2010.
16. Наршахий. Бухоро тарихи. –Т.: Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти 1966
17. Норматов И. Маънавият – бебаҳо бойлик. //Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди. –Т.: Ўзбекистон, 2006
18. Низомулмулк “Сиёсатнома” –Т.: “Янги аср авлоди” 2010.
19. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб –Т.: “Фан” 1964.
20. Шамсуддинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. Биринчи китоб –Т.: “Шарқ” 2010
21. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. I-қисим. –Т.: “Марифат”, 2009
22. Қаюмов А. Абу Райхон Беруний. Абу Али ибн Сино. –Т.: “Ёш гвардия” 1987.
23. Қирғизбоев М. “Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиш ва ривожланиш”. –Т.: “Ўзбекистон” 2010
24. Қаюмов А. Аҳмад ал-Фарғоний.-Т.: “Фан” 1990.
25. Ҳамидов Ҳ. “Олис-яқин юлдузлар”. –Т.: “Чўлпон” 1990.
26. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9том. – Т.: “Давлат илмий нашриёти” 2005
27. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: “Юлдузча” 1990.

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ ВА ДАВРИЙ МАТБУОТ НАШРЛАРИ:

28. Каримов К. Юсуф Хос Ҳожиб “Қишлоқ ҳақиқати” 1990, 13-июнь.
29. Маҳмудов Қ. Туркий қавмлар тақдири.”Фан ва турмуш”, 1990, 12-сон
30. Ориф Усмон. Ваҳдад шаробин ичдим “Мулоқот” 1991, 6-сон
31. Соатов А. “Қалбимда бор алаим маним” “Фан ва турмуш” 1992, 9-10 сон
32. Содиков К. “Туркий жавоҳирлар девони” “Ватан”. 1994, 22-сон
33. Султонмурод Олим Буюк Нақшбандия. Кеча, бугун, эртага. “Фан ва турмуш” 1993, 5-6-сон
34. Уватов У. Рашидуддин ал-Вотвот мактублари “Гулистон”, 1991, 11-сон
35. Ғайбуллаев О. Ёшлар онгига истиқлол ғоясининг сингдиришнинг ижтимоий моҳияти хақида. //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 2005.